O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 19-may, chorshanba ● № 21 (672) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

БАХМАЛНИНГ БАХМАЛ ДАЛАЛАРИДА

Бахмалнинг олмаси, узуми ва бошқа ҳар хил меваларининг донғи етти иқлимга кетганини таъкидлаш ортиқча. Шу йил баҳорда яна қўшимча 15 гектар ерга юқори ҳосилли, сершира узум кўчатлари экилди. Мавжуд токзору боғларни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.



⇨ 2-бет

ЗАРМИТАН ЗАРЛАРИ ВА ЗАРГАРЛАРИ

Зармитан олтин конида қазилма бойликлар айни кунларда ҳам очиқ, ҳам ер ости усулида қазиб олинмоқда. Бугунги кунда корхонада икки минг нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Яқин вақт ичида, аниқроғи, шу йил охиригача Зармитаннинг ўзида олтин бойитиш фабрикаси ишга тушади.

⇨ 6-бет

МУЗЕЙЛАР — МОЗИЙНИНГ КЎЗГУСИ

Бугунги кунда юртимизда 1200 дан ортиқ музей мавжуд. Давлатимизда музейларни такомиллаштиришга ҳар доим устувор вазифа сифатида қаралган. Бугун юртимизнинг қайси музейига ташриф буюрманг, у ердан олам-олам тасаввурлар билан чиқишингизга шубҳа йўқ.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Ўмон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдуллани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги алоқалар нафақат дипломатик, балки иқтисодий асосларда ҳам ривожланаётганидан мамнунлигини билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

■ 14 май куни Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикаси билан Ўмон Султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисидаги Битимни (Масқат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунга имзо чекди.

■ **17 май куни Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга имзо чекди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ўзининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган фаолияти Дастурини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Қуйи палата, шунингдек, ўз ваколатлари доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқди.

Ижодий маҳоратга муносиб рағбат

Шу йил 14 май куни "Туркистон" саройида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш йўлида босқичма-босқич, тадрижий, халқимизнинг миллий руҳиятига, орзу-интилишларига монанд амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларга эришиш, миллий ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларини равнақ топтиришга оид ибратли чора-тадбирлар билан ҳамоҳанг олиб борилаётганини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалардаги ижодкорлар, айниқса, журналистикада қалам тебратаётган мутахассисларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш баробарида юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга холис ва ҳаққоний, чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишни, илғор ахборот технологияларини пухта эгаллашни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни талаб этмоқда.

Бу йил бешинчи марта ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси соҳаларида меҳнат қилаётган сергайрат, фидойи, қатъиятли журналистларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун зарур шароит яратиш, ижодкорларга танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.

Йигирма еттита мукофот учун ўтказилган бу йилги танловга 451 нафар журналист 6700 га яқин ижодий ишлари билан иштирок этди. Жорий йилги танловнинг яна бир ўзига хослиги «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун» номинациясининг киритилгани, ғолиб ва совриндорлар учун таъсис этилган мукофот фондининг ошганидадир.

Ижодий беллашувнинг Бош Миллий мукофоти соҳиби, телевидение, радио, даврий матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ғолиблари, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва статуэткаси ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Комиллик томон шахдам қадам

"...эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради..."

Ислом КАРИМОВ

Мамлакат тараққиётида қайси соҳа муҳим роль ўйнайди, деган саволга турлича жавоб бериш мумкин. Сабаби, ижтимоий-сиёсий соҳа бўладими, иқтисодийми ёки маънавий-маърифийми, уларнинг ҳар бири Ватан тараққиётида мислсиз салоҳиятга эга. Аммо шундай соҳа борки, унга эътибор қаратмай туриб, бошқаларининг тараққиёти хусусида ўйлаш мушкул. Бу — таълим тизимидир. Зотан, ҳар соҳада баркамол авлодгина жамият тараққиётининг асоси ҳисобланиши мумкин. Мамлакатимизда бу соҳага истиқлолнинг илк йиллариданоқ эътибор қаратиб келинмоқда. Ва йиллар давомида бу эътибор ҳар томонлама ривожланиб, юқори босқичга кўтарилди. Бугун юртимизда ёшларни маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳар бир йилга алоҳида ном берилиб, пировардида ўша йили тегишли соҳани ривожлантиришга киришилиши, бюджет маблағларининг катта қисмини ҳар гал аниқ бир соҳага йўналтириш тажрибаси, назаримда, хориждаги манаман деган давлатларга ҳам ўрнак бўлишига шубҳа йўқ. Таъбир жоиз бўлса, мозий қатларига сингиб кетаётган ҳар бир йил шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки комиллик сари ташланган шахдам қадамдир. Инсон манфаатлари йилидан тортиб, токи Баркамол авлод йилигача бирор йил йўққи, бевосита инсон ва оилага тааллуқли бўлмаса, унинг замирида келажак авлодга қаратилган бемисл ғамхўрликлар ифодаси ётмаган бўлса.

2 »

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган дастурий маърузасида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган тизимларни яратиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун халқаро танлов журналистлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган тизимлардан биридир.

Миллий мукофот ғолибларини тақдирлаш маросими арафасида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда 13-15 май кунлари ҳудудий телерадиостанцияларнинг раҳбар ва журналистлари, ёшлар студиялари аъзолари иштирокида 4 та семинар, 2 та давра суҳбати, 1 та фестивал ва 1 та медиа-форум ўтказилди.

6 »

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

Бош Миллий мукофот:

«Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ — директор Хайрулла Нуриддинов. Ёшлар мавзуси ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаш масалаларига доир туркум кўрсатувлари учун.

Асосий номинациялар:

Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин:

Муҳаммаджон Бекмуҳаммедов — "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмаси директори ўринбосари. Одам савдосига қарши курашиш ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларини ёритган туркум кўрсатувлари учун.

2-ўрин:

Сайёра Абдуллаева — МТРК "Тошкент" телерадиоканали "Пойтахт" ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири. Аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган туркум кўрсатувлари учун.

3-ўрин:

Бекпўлат Тоғаев — ЎЗОАВМА ЎзНТТ "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастурининг махсус мухбири (Жиззах вилояти). Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги мавзуидаги репортажлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин:

Шухрат Суюнов — МТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бош муҳаррири. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга бағишланган туркум эшиттиришлари учун.

2-ўрин:

Шухрат Зокиров — "Рухсор FM" радиоканали муҳаррири (Фарғона вилояти). "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг бажарилишига бағишланган эшиттиришлари учун.

3-ўрин:

Олима Ҳамроева — МТРК "Спорт" телерадиоканали "Машъал" радиоканалининг катта муҳаррири. Ўзбек халқининг анъаналари ва қадриятларини сақлаш масалаларига бағишланган туркум радиоэшиттиришлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

1-ўрин:

«Uzbekistan Today» газетаси таҳририяти — бош директор Садриддин Суяров. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни кенг ёритгани учун.

4 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Комиллик томон шахдам қадам

(Бошланиши 1-бетда.)

"Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Умуммиллий давлат дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлиғини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, биргина 2009 йилнинг ўзида юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб, 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилди ва реконструкция қилинди. Янги таълим масканлари замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда замонавий компьютер синфлари, махсус лингафон хоналари ташкил этилди. Ўқувчиларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" спорт мусобақалари ана шу эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда. Юртимизда иқтидорли ёшларни моддий рағбатлантириш ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими яратилган. Олий ўқув юртларида бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат стипендияларининг турли шакллари жорий этилди. Шунингдек, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида республика олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақаларини ўтказиш, ана шу тадбирларда ва халқаро миқёсдаги олимпиада, танлов ва мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ёш иштирокчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

Бу бекиёс ғамхўрликлар натижаси ўлароқ, бугун мамлакатимизда ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун яратилган кенг имкониятлар яхши самаралар бераётганини қувонч билан таъкидлаш мумкин. Ўзбекнинг қоракўз болалари жаҳоннинг қатор давлатларида ўтказилган халқаро олимпиадаларда, танловларда ғолиб чиқаётгани сўзимиз исботидир. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Албатта, бунинг ҳам ўзига хос маъно-моҳияти бор. Боиси Президентимиз таъбири билан айтганда, XXI аср интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган давр бўлади. Мазкур ҳақиқатни ёдидан чиқарган миллат ва давлат жаҳон тараққиётидан четда қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Акида ДОНИЁРОВА,
Зуҳра ҒОФУРОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти катта ўқитувчилари.

ФАОЛИЯТ

БАХМАЛНИНГ БАХМАЛ ДАЛАЛАРИДА



Президентимиз Ислом Каримов фермерликни ривожлантириш учун ҳамма имкониятларни яратиб бергани деҳқонларнинг ғайратшижоатини жўш урдириб юборди. Бахмал туманидаги «Деҳқонобод» сувдан фойдаланиш уюшмасида бўлган киши буни яққол ҳис этади. Ойқортоғнинг ён бағирларига туташиб кетган далаларда бугун баҳорий меҳнат авжида. Об-ҳавонинг мўътадил келгани, фермерларнинг омилкорлик билан иш юритишаётгани туфайли далаларда ғалла, сабзавот, узумчиликдан юқори ҳосил олиш имконини бермоқда. Айниқса, хўжаликнинг етакчи тармоғи — картошкачиликни ривожлантиришда амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

— Жаҳонда иқтисодий инқироз кўплаб давлатларни танг аҳволга солиб қўйган шу кунларда юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишни ният қилган жамоамиз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, кўпроқ даромад олишни режалаштирди, — дейди уюшма раҳбари Абдумалик Раҳимов. — Картошка етиштиришни жорий йилда икки ҳисса кўпайтиришни мўлжаллаганмиз. Шу соҳа билан шуғулланаётган ўн нафар фермер «Голландия» навли картошка уруғини экиб, ундан юқори ҳосил олиш учун ҳамма чораларини кўрмоқда.

«Бобораҳим», «Нуриддин-Нор», «Шариф» фермер хўжаликлари ўтган йили картошкачиликдан 10-15 миллион сўмдан соф фойда олдилар. Бу маблағ эвазига фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна сотиб олишди.

Қишлоқларни янада ободонлаштириш, замонавий бинолар, турар жойлар қуриш учун саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Миришкорларимиз замон талабларини ҳисобга олиб, йилнинг ҳамма фаслларида бозорларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш учун иссиқхоналар қуришни бошлаб юборди. Дастлабки маҳсулотлар эл дастурхонига чиқиб ҳам бўлди.

— Томорқамиздаги иссиқхоналарда лимон, сабзавот, кўкатлар етиштираяпмиз, — дейди Баҳриддин Жуманазаров. — Фақат мен эмас, Мавлон Исмоилов, Сафарбой Маматов каби ўнлаб қишлоқдошларим ҳам бу ишга киришган. Экин-тикин билан боғлиқ ишнинг моҳиятини яхши тушунамиз. Оиламиз эҳтиёжини қондирамиз. Ортганини бозорга чиқариб сотамиз. Савдо ташкилотлари билан шартномалар тузганмиз.

«Шодмон» маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан ҳашарлар ташкил этилаяпти.

— Мустақиллигимиз туфайли кишилар онгида жуда катта ўзгаришлар бўлди, — дейди мамнунлик билан А.Раҳимов. — Энг асосийси, боқимандалик кайфиятидан қутулди. Ер юзида Ўзбекистонимиздай тинч, осойишта давлат йўқ. Ўтган йили уюшмамиз бўйича ўн киши қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олди.

Маълумки, куз пайтлари қишлоқ хўжалиги экинларининг барчаси бирданига пишиб етилади. Уларнинг сифатини бузмасдан сақлаш учун музхона-омбор қурилган. «Рўзи бобо» фермер хўжалиги чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех қуриб, сут, қатиқ, творог маҳсулотлари тайёрлаяпти. Бу ишдан келаётган фойда цехни кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш имконини беради, албатта. Бахмалнинг олмаси, узуми ва бошқа ҳар хил меваларининг донғи етти иқлимга кетганини таъкидлаш ортиқча. Шу йил баҳорда яна қўшимча 15 гектар ерга юқори ҳосилли, сершира узум кўчатлари экилди. Мавжуд токзору боғларни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун ўзбек деҳқони яратувчанликка енг шимириб киришган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Хабарлар оқими

ҚУРИЛИШ СУРЪАТЛАРИ ЖАДАЛ

Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманидаги Жияк жиров (бахши) номидаги санъат мактабининг янги замонавий биносини қуриш учун давлатимиз томонидан 1 миллиард 674 миллион сўм маблағ ажратилган. Қурилиш ишлари жорий йилнинг март ойида бошланиб, айни пайтда бу ерда қизғин бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Қурувчиларга қулай шароитлар яратилгани қурилишнинг жадал суръатларда давом этишида муҳим омил бўлмоқда.

Санъат мактабининг янги биноси жорий йилнинг биринчи сентябрида фойдаланишга топширилади.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири

КОМПЬЮТЕР РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ ОЧИЛДИ

Республика кўзи ожизлар марказий кутубхонаси ҳамда «Санъат гулшани» маданият уйи қошида кўзи ожизлар учун компьютер ресурс марказлари очилди. Ушбу марказлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастурининг ACCELS ва ICTP лойиҳалари кўмагида ташкил этилди. Марказлар махсус ускуналар ва интернет тармоғига уланган компьютерлар билан жиҳозланди.

Эндиликда кўзи ожиз ва кўриш қобилияти заиф кишилар махсус JAWS дастурига эга компьютерлар ҳамда SARA, TOPAZ ускуналари ёрдамида ахборот-коммуникация технологиялари билан танишиш, турли адабиётлар ва интернетдан фойдаланиш, онлайн режимида мулоқот қилиш, ахборот алмашиш имконига эга бўлди.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,
"Hurriyat" мухбири

"МАЙДОНКЎЛ" МАРДИ МАЙДОНЛАРИ

Аму бўйларида — Эшимжирон қишлоғида жойлашган шу номдаги фермер хўжалиги Хоразм воҳасидаги тобора тараққий этаётган хўжаликлардан биридир. Фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослаштирилган. Хўжалик илк бор иш бошлаган 2002 йилда 1,8 миллион сўм соф фойда олган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 24 миллион сўмни ташкил қилди. Чорва наслини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун шу йилнинг бошида хориждан ўнта зотдор қора мол сотиб олинди. Беда ва бошқа ўтларни ўришга мўлжалланган, шунингдек, сомон ва хашакни тойлайдиган агрегатлар харид қилинди. Ундан ташқари, 150 бош қорамолга мўлжалланган замонавий ферма биноси қуриб битказилди.

Маҳсулдорлик ошиб, даромад ортиб бораётгани туфайли фермер хўжалиги қишлоқдаги, тумандаги қатор билим масканларига, кам даромадли оилаларга саховат кўрсатаяпти. Жамоа туман марказидаги 95-сонли мактаб-интернатни ҳам оталиққа олган. Мактабга мунтазам равишда гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қишлоқдаги уруш ва меҳнат фахрийлари йўқланди.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири

ЯНГИ ТУРАР ЖОЙЛАР

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда турар жой қурилиши кўламини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Жумладан, Нукус тумани Узунқўл массивида 10 гектар майдонда 20 та замонавий турар жой бинолари қад ростлади. Унга тумандаги "Ақманғит-Дунтай" қўшма корхонаси 1 миллиард 134 миллион сўм эвазига сифатли ва арзон ғишт етказиб берди. Ҳозирги пайтда қуриб битказилган бу биноларни электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида монтаж ишлари олиб борилаяпти. Янгидан бунёд қилинаётган мазкур посёлка атрофида бир неча ижтимоий объектлар, 300 квадрат метр майдонда овул гузари, савдо шохобчаларини қуриш ишлари бошланиб кетди. Келгусида ушбу ҳудудда яна 20 та турар жой барпо қилиниши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига Миллий университет мақоми берилганига 10 йил тўлгани муносабати билан Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Фалсафа жамияти, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида республика илмий конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда Андижон, Жиззах, Самарқанд, Наманган вилоятлари олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳам қатнашдилар.

Конференцияни университет ректори, сенатор профессор Ғофуржон Муҳамедов очди.

Илмий анжуманда республикамизда таълим соҳасида олиб борилаётган илмий янгиликлар ва ютуқлар, ижтимоий тараққиётнинг методологик муаммоларига янгича ёндашувлар, жаҳон фалсафий меросидан ижодий фойдаланиш, фалсафа, фан ва таълимнинг ўзаро муштараклиги, XXI асрда ахлоқий мезонлар, глобал муаммоларнинг ижтимоий оқибатларини бартараф этиш йўллари ва экологик муаммоларга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мансур НАМОЗОВ,
ЎзМУ аспиранти

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

ИЖРО ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Иқтисодиётнинг ривожи, мулкий муносабатларнинг муттасил ҳаракати, товар муомаласининг фаоллигига ижобий таъсир ўтказувчи омиллардан бири — шартномавий мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишидир.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузиладиган шартномавий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақида"ги, 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари хўжалик юритувчи субъектларда шартномалар тузиш, шартнома интизоми, раҳбарлар жавобгарлигини ошириш билан бир қаторда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларини тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартибини ҳам белгилаб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 177-сонли қарорига кўра, "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида" низом тасдиқланган бўлиб, унга асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида қай турдаги шартномалар тузилиши, уларни тузиш, рўйхатдан ўтказиш тартиблари, тарафлар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга экани, нархлар, ўзаро ҳисоб-китоблар, шартномаларни бажариш, мулкий жавобгарлик каби қоидалар оддий ва тушунарли ҳолда берилган.

Мажбуриятларни бажаришга доир қоидалар қонунчиликда марказий ўринни эгаллайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасида: "Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак", — деб ифодаланган.

Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги, албатта тегишли жавобгарликка олиб келади. Зеро, мажбуриятлар шартнома тузиш эркинлиги асосида вужудга келар экан, унинг ихтиёрий бажарилишига қандай эришиш мумкин деган, ҳақли савол туғилиши табиий. Бунда шартнома тарафлари ўз мажбуриятларининг бажарилишидан манфаатдор бўлиши керак, ана шунда тарафлар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарадилар. Агар бир тараф шартномадан манфаатдор бўлмаса, албатта, шартнома тузиш ҳақидаги таклифни рад этади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш соҳасида мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаётгани фикримизнинг яққол далилидир. Чунки бундай мажбуриятда қатнашувчилар манфаатдорлиги тўлиқ таъминланмаган.

Юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларига кўра хўжалик шартномаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан хўжалик шартномаларининг бажарилиши мониторинг қилинганда, 2008-2009 йилларда давлат эҳтиёжлари учун етиштириб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун тўловлар тўлиқ амалга оширилмагани маълум бўлди ва тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди. Хусусан, "Ўзпахтасаноат" тизимига кирувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмагани учун фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб 274,5 миллион сўмлик, "Ўздонмаҳсулот" тизимига кирувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмагани учун фермер хўжаликлари фойдасига 123,7 миллион сўмлик, пилла корхоналари томонидан шартнома шартлари бузилгани учун фермер хўжаликларининг манфаатларини кўзлаб 25,7 миллион сўмлик даъво аризалари хўжалик судига киритилди.

Адлия бошқармасининг тақдимномаси билан Музработ туманидаги "Хуршид" фермер хўжалигининг 2009 йилда топшириган бошоқли дон ҳосили учун тўланмай турган 17 миллион сўм, Ангор туманидаги "Шер" фермер хўжалигининг 12,5 миллион, Узун туманидаги "Саховат ҚА" фермер хўжалигининг 8 миллион сўм пул маблағлари ундириб берилди.

Шунингдек, бошқарма томонидан 2010 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта, ғалла, пилла маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича 122 та хўжалик юритувчи субъект билан жами 31.885 та шартнома тузилиши таъминланди. Шартномаларнинг 2925 таси давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси харид қилиш, 3427 таси давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш ва 3178 таси пилла хомашёси етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларни ташкил этади.

Хулоса шуки, барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари белгиланганидек ва ихтиёрий бажарилса, уни тузувчилар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда, халқ фаровонлигини оширишда ўз ҳиссаларини қўшган бўлади. Зотан, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш ва барқарор тараққиёт жараёнидан, халқимизга фаровон турмуш шароитини яратишдек эзгу ишдан ҳеч ким четда турмаслиги керак.

Отабек НОРБОЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

НАШР

МАТБУОТИМИЗ ЗИЁСИ

Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари шундай қудратли кучга айланмоқдаки, ўз келажагини ўйлайдиган ҳар қайси халқ ва миллат буни сезмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин емас.



"Ўзбекистон матбуоти" журнали янги сонининг биринчи саҳифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур жумлалари билан очилади.

Журнал саҳифаларини варақлар экансиз, унда берилган мақолалар ҳар қачонгидан кўра долзарб ва кўтаринки рухда ёзилганлигига гувоҳ бўласиз. Жумладан, "Иқтисодий тараққиётнинг дунёвий эътирофи" номли мақолада бутун дунёда иқтисодий бўҳрон оқибатлари битиб улгурмаган бир пайтда Ўзбекистонда кузатилаётган катта иқтисодий ўсиш ва бунинг халқаро экспертлар томонидан эътироф этилиши ҳақида сўз борса, "Соғломлик — баркамоллик пойдевори" сарлавҳали мақолада эса мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук бўлиб тарбиялаш борасидаги ишлар юзасидан мулоҳаза юритилади.

Шунингдек, маънавият рукни остида Алишер Навоий бобомиз ижодига янгича қараш асосидаги фикрлари билан танишасиз.

Кейинги пайтда жамиятимизда бўлаётган ҳар хил воқеа-ҳодисалар моҳияти, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар журналист суриштируви орқали юзага чиқмоқда. Филология фанлари номзоди Наргиз Қосимовнинг ушбу мавзуда олиб борган тадқиқоти мазкур жанр нечоғли муҳим эканлигини уқтиради.

"Наср ва назм" рукнининг бу галги меҳмони фахрий журналист, ёзувчи Мақсуд Қориевнинг умри давомида орттирган илми ва тажрибалари асосида ён дафтарига битган ноёб фикрлари ҳам қадрлидир.

Ислом СУЛТОНОВ

ЖАРАЁН

ФИКР

Тараққиётимизнинг қудратли манбаи

Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунларданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан бир қаторда, маънавий, маданий, маърифий ва мафкуравий жабҳаларга энг муҳим устувор масала сифатида эътибор қаратиб, бу борада туб ислоҳотларни амалга оширди. Шу давр мобайнида халқимизнинг миллий ўзлигини, тили, дини, қадриятлари, анъана ва урф-одатларини тиклаш, уларни келажак авлодларга бус-бутун етказиш, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш борасида кўлами ва миқёси жиҳатидан ғоят улкан ишлар бажарилди.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, қадимий бой тарихимиз, она диёримиз довруғини дунёга таратган улуғ алломалар, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккир олимлар ва йирик саркарда аждодларимиз меросини тиклаш, уларнинг абадий қўним топган масканларини обод қилиш, асарларини чоп этиш ва шу сингари кўплаб хайрли ишлар қилингани ва буни бутун дунё ҳамжамияти кенг эътироф этаётгани ҳар биримизга ўзлигимиздан фахрланиш туйғусини бахш этмоқда.

Маълумки, ҳар қандай замонавий жамиятнинг иқтисодий, маънавий ва мафкуравий тангликдан халос бўлишининг асосий шартларидан бири — бу аввало инсон характерини, унинг онгу тафаккурини ўзгартириш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг мафкурасини тўғри шакллантиришдан иборат. Бу борада Президентимизнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, ўз вақтида ва жуда тўғри танланган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистонимиз бугунгидек бутун дунёни қамраб олган ғоят мураккаб вазият ва оғир шароитда ҳам ҳар жиҳатдан ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган натижаларга эришиши таъминланмоқда.

Бир эътибор беринг, айни пайтда ер юзининг ҳали у нуқтасида сиёсий танглик вужудга келса, ҳали бу нуқтасида экологик муаммо бўй кўрсатиб, шундоқ ҳам оғир вазиятни янада кескинлаштириб юбормоқда. Бунинг устига 2008 йилнинг охирида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози энг ривожланган давлатларни ҳам шошириб қўйди. Глобаллашув оқибатида юзага келаётган турли информацион хуруж ва маънавий таҳдидлар эса инсониятни буткул боши берк кўчага киритиб қўйиш хавфини кучайтирмоқда. "Мана шундай вазиятда, — деб ёзади давлатимиз раҳбари, — одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши аримаҳол".

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унинг мафкуравий таъсир ўтказиш кўлами ҳаддан зиёд кенг, беқиёс даражада тезкордир. Президентимиз Ислом Каримов бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлироқ бўлиб бораётгани, маънавиятсизлик, ахлоқсизлик ҳар қандай бактериологик қуролдан ҳам кўпроқ руҳий мажруҳлик келтириши тўғрисида ўзининг кўп чиқишларида бот-бот таъкидлайди. Мана шундай маънавий таҳдидларга қарши тура олишнинг бирдан-бир йўли — бу тўғри шакллантирилган миллий мафкурадир. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, миллий мафкура — бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир. Айнан миллий мафкурагина ҳар биримизга келажакка ишонч, мадад, куч-ғайрат бериб, бизни бунёдкорликка, Ватан, миллат тараққиёти йўлида буюк ишларга сафарбар қилади.

Бундай қудратли манбани шакллантириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун қанча куч, қанча маблағ, вақт, энг муҳими, узоқни кўра билиш зарур. Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга муваффақиятли жорий этиб келинаётган таълим тизимидаги туб ўзгариш ва ислоҳотлар бизда ана шундай ўлмас эътиқодни шакллантирди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Юртимизнинг энг чекка туман ва бориш қийин бўлган олис қишлоқларида ҳам кўркам ва замонавий таълим масканлари, спорт, маданият ва санъат саройлари қад кўтариб, уларда минглаб, миллионлаб фарзандларимиз таълим-тарбия олаётгани бунинг исботи бўла олади. Ёки ўғил-қизларимизнинг халқаро фан олимпиадалари, энг нуфузли спорт мусобақалари, йирик маданият тадбирларида ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён этиб келаётгани бунинг амалий ифодасидир.

Мухтасар айтганда, жамиятимиз маънавий-маърифий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллашида беқиёс аҳамият касб этаётган экан, бу ҳам Юртбошимиз томонидан олиб борилган оқилона сиёсат самарасидир.

Зафар МАҲМУДОВ,
Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2- лицей директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

ОГОҲЛИК

Ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда ёшлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш, уларга ҳаётда тўғри йўлни кўрсатиш ҳам энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Гиёҳвандликка қарши курашиш — барчанинг иши

Жамиятдаги ижтимоий салбий иллатлардан бўлмиш гиёҳвандлик — ёшлар умрига зомин бўлувчи ҳаракат бўлгани учун жиноятчилик билан бевосита боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича "наркомания" юнонча наркозис, наркао сўзларидан олинган бўлиб, қотмоқ, қотиб қолмоқ ёки наркэ — донг қотиб қолиш деган маъноларни англатади. Яъни, гиёҳвандлик ва ўлим сўзлари ўртасига математик амал тенглик белгисини қўйиш тўғри бўларди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида содир этилаётган қонунбузарликларнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотларининг ролини ошириш муҳим аҳмият касб этади. Афсуски, юртимизнинг айрим минтақаларидаги таълим-тарбия муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли тўгаракларга жалб этиш, мавжуд спорт майдонлари ва кутубхоналардан тўғри ҳамда унумли фойдаланишга етарли эътибор берилмаётгани сабабли бу каби оғир жиноятлар содир этилишига йўл қўйилгани таҳлиллар жараёнида маълум бўлмоқда.

Давлатимизнинг ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган ишлари самарадорлигининг оширилишига эришиш учун ҳокимликлар ҳузурида фаолият олиб борувчи вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, ички ишлар идоралари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Шунингдек, маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда, барча турдаги ўқув-тарбия муассасаларида вояга етмаганлар, ёшлар орасида қонунбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб бориш, уларни турли спорт тўгаракларига жалб этиш ўқув муассасалари, жойлардаги жамоат бирлашмалари томонидан назоратга олиниши керак. Ушбу йўналишларда олиб борилган ишларни умумлаштириш ва муҳокама қилишда масалага танқидий ёндашиш мақсадга мувофиқ. Зеро, юртимизнинг келажаги баркамол авлодлар қўлида экан, ўсиб келаётган ҳар бир ўғил-қизга давлат ва жамоат ташкилотларидан ташқари ўз оиласида ҳам жиддий эътибор берилиши уларнинг маънавий-маърифий ҳамда жисмоний баркамол бўлиб вояга етишишларига замин яратади.

Ойбек ҒАНИЕВ,
Фарҳод ЮЛДАШЕВ,
ТДЮИ талабалари

Таҳририятга хатлар

Жамғарманинг ибратли ишлари

Ўрта асрнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино ўзидан бебаҳо илмий мерос қолдирган. Бу буюк даҳо Шарқда "Шайх-ул-раис", Ғарбда "Табиблар подшоҳи" каби номлар билан машҳур бўлган. Унинг асарлари даставвал Шарқ мамлакатларида кенг оммалашган, XII асрдан бошлаб эса Европага ҳам кириб борди. Тиб илми даҳосининг бой меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида бундан ўн йил муқаддам Ибн Сино халқаро жамғармаси ташкил этилган эди.

— Бобокалонимизнинг башарият олдидаги хизмати беқиёсдир, — дейди жамғарма раиси, профессор Шуҳрат Эргашев. — Унинг машҳур "Тиб қонунлари" асари 1348 йилда ташкил этилган Прага университетида XVI асрга қадар дарслик сифатида ўқитилган. Бу асарнинг лотинча учта нусхаси ҳозирги кунда эски Брно шаҳридаги кутубхонада сақланмоқда.

Ўтган вақт давомида жамғарма томонидан "Халқаро Ибн Сино ўқишлари", "Буюк мерос ва замонавий цивилизация" каби кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилди. Буюк аллома таълимоти асосида "Болаларни тарбиялаш бўйича маслаҳат маркази", "Шарқ тиббиёти маркази" ташкил этилди. Бундан ташқари, қатор илмий асарлари нашрга тайёрланди.

Жамғарма томонидан "Ибн Сино" журналининг чоп этилиши, "Абу Али ибн Сино" деб номланган газетанинг мухлислар қўлига етиб бориши аллома таваллудининг 1025 йиллигига муносиб совғадир.

Акбар АЛИЕВ
Тошкент шаҳри

Кармана ёдгорликлари

Кармана тумани Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий ва обод масканлардан бири ҳисобланади. Шу сабаб ҳудудда тарихий-меъморий манзиллар анчагина. Қосим Шайх Азизон мажмуаси ва музейи, Мир Саид Баҳром, Хўжа Хусрав мақбараси, мавлоно Ориф Деғароний, "Сардоба" тарихий ёдгорликлари шулар жумласидандир. Ўтган йилларда бу қадамжоларни ободонлаштириш, қайта таъмирлаш учун 1 миллиард 780 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Туманнинг яна бир машҳур тарихий ёдгорлиги Самарқанд — Бухоро шаҳарлари оралиғидаги йўл ёқасида жойлашган "Работи Малик" карвонсаройи бўлиб, мажмуа XI асрда бунёд этилган.

Буюк ипак йўлидаги кўплаб сардобалар ичида Марказий Осиёдаги ягона Малик Работи, яъни Шоҳ бекати шу ҳудудда. Қадимда карвон йўллари орқали Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан мағрибу машриқ сари йўл олган савдогарлар учун Работи Маликда қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Деворнинг пештоқига куфий ёзувда "Тангрининг инояти ва замон султонининг саъй-ҳаракати билан бу маскан доим жаннатмакон бўлур" деган ҳикмат ёзилган. Буни қарангки, боболаримизнинг бу сўзлари бугун ҳам қимматини йўқотгани йўқ.

Маърифат ШАРИПОВА
Навоий вилояти

Ранглардаги рамзлар

Ранглар доимо инсонлар ҳаётида ўзига хос аҳамият касб этади. Улар турли мамлакатларда турлича маънони англатишини ҳам қайд этиш жоиз. Масалан, оқ ва кўк ранглар бизда тозалик, мусаффоликни билдирса, Европада бу рангдаги кийимлар фақат тўй кунларида кийилади. Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг асарларида лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ифода этиш учун қизил, арғувоний, яшил, бинафша, оқ, сариқ, симобий, савсаний каби ранглардан унумли фойдаланган. Масалан, "Сабъаи сайёр" асарида Шоҳ Баҳром ўзининг ҳар бири алоҳида ранг билан безатилган еттита қасрида, етти хил рангли кийимда етти иқлимдан келган сайёҳларни қабул қилади. Бундан ташқари, "Ғаройиб ус-сиғар"да 9 та, "Наводир уш-шабоб"да 7 та ғазал рангларга бағишланган ёки улар билан бевосита боғлиқ.

Сариқ оғриқ бўлдим, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо...
Беҳи рангидек, ўлимини дарди, ҳажрингдан менга сиймо
Димоғим ичра ҳар бир тухми янглиғ донаи савдо...
(Бадоеъ — ул васат, 28-ғазал)

Бунда шоир қаҳрамоннинг ҳижрон кунларидаги руҳий ва жисмоний ҳолатини сариқ, ошиқнинг ҳазин ҳолатини қора, бахти қароликни эса оқ ранг воситасида усталик билан тасвир этади. Қизил ранг эса оташин маъшуқа ишқининг таърифи билан келса, маъшуқанинг яшил бинафша рангдаги либосда таърифланиши унинг қора қилмишларидан норозиликни билдиради.

Психологлар кишининг қайси рангни хуш кўришига асосланиб, унинг характерини ҳам айтиб беришлари мумкин. Миллий мато — атлас-у, адраслардаги рангларнинг камалак жилосини ифода этиши ҳам халқимиз қалбидаги меҳр-оқибат, ҳаётга бўлган муҳаббатни, жўшқинликни кўрсатади.

Севара КАРИМОВА,
ЎзМУ талабаси

ДЕПАРТАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ...

Қонун барчага баробар. Унга амал қилмаслик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Зеро, жиноят қилган шахс, шерик бўлган шахс, уларга ёрдам берганларнинг ҳаммаси тегишли жазога тортилиши муқаррар.

А.Холмуродовга дўсти Нурбек қўнғироқ қилди. У доллар оладиган яхшигина мижоз борлигини, 3000 АҚШ доллари топишда ёрдам беришини сўради. Уриниб кўришга ваъда берган А.Холмуродов ҳам ўз навбатида таниши асли самарқандлик Акбар Туримовга қўнғироқ қилди. У эса ўйланиб ўтирмасдан керагича валюта топиб беришга розилик берди. Чунки бир неча ой олдин валюта айирбошлаш шохобчасидан 3000 АҚШ доллари олган эди-да.

Танишлар тушдан кейин "Миробод" деҳқон бозорида учрашишга келишиб олишди. Гарчи қилинаётган иши қонунга хилоф эканидан хабардор бўлса-да, нафс амрига итоат этиб, яхшигина мижозни қўлдан чиқармасликка уринди — 3000 АҚШ долларини олиб, бозорга равона бўлди.

Тахминан соат 13.00 да бозорнинг орқа томонида Акбар дўсти Асқарни учратди. У билан яна иккита бегона шахс — Нурбек Марданов ҳамда Дилфуза исмли аёл бор эди. Улар билан таништиргач, А.Холмуродов ўз иши билан кетди. Янги танишлар эса тезда ишга киришишди. Аввалига доллар нархини келишишди. Сўнгра дўконга кириб пул санаш "маросими" бўлди. "Катта иш"ни бажарганидан хурсанд бўлган Акбарнинг умидлари департамент ходимларининг дўконга кириб келиши билан пучга чиқди.

Қилмишидан пушаймон эканини яширмаган Акбар Туримов ҳамда Нурбек Марданов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари билан айбланиб, катта миқдордаги жаримага тортилди.

Зиёвуддин АЪЗАМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими катта инспектори

ЭНДИ ПУШАЙМОНДАН НЕ НАФ?

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов автошохбекати республикамизнинг турли вилоятларидан келган минглаб меҳмонларни қабул қилиб, кузатувчи манзил ҳисобланади. Бу ердаги ошхоналар ва дўконларда аҳолига хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар фаолият юритади. Баҳром Ражабов ва Алижон Файзиев ҳам шундай тадбиркорлардан. Фақат уларнинг бизнеси қонунга хилофлиги учун бироз хавфлироқ. Валюта олди-сотдисидан мўмайгина даромад олишни мақсад қилган икки шерик қисқа қилиб айтганда "долларчилар" саналишади.

Анчадан буён бу иш билан шуғулланишгани учун бу ердагилар билан танишиб олишган. Кўпчиликнинг "ҳожатини чиқаришади". Шунинг учун ҳам доимо ошиғи олчи, мижозларнинг кети узилмайди. Валютафурушларнинг бу галги мижози фуқаро М.Насриддинова бўлди. Ўзаро келишувдан сўнг, ҳамкорлар 3000 АҚШ долларини жами 5 миллион 460 минг сўмга сотадиган бўлди. Шундан сўнг Насриддинованинг 5 миллион 460 минг сўмини "шоввозлар" 3000 АҚШ долларига айирбошлаб беришди. Шу пайтда департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари навбатдаги тезкор рейдни ўтказишаётганди. Қонунбузарларни далилий ашёлар билан қўлга олган ходимлар 3000 АҚШ доллари ва 5 миллион 460 минг сўмни масала қонуний ҳал бўлгунга қадар олиб қўйишди.

Дастлабки тергов натижасида фуқаролар Баҳром Ражабов ва Алижон Файзиевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмининг "б, в" бандлари билан айб эълон қилинди.

Ниҳоят қонунбузарлар ўз айбларига тўла иқрор бўлиб, қилмишларидан пушаймон эканликларини билдиришди. Аммо бундан кимга наф? Ноқонуний иш қилиб, кейин кечирим сўрагандан кўра уни қилмаган маъқул эмасми?!

Азиз САИДЖОНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими инспектори

АРЗОН ДОЛЛАР БОР...

Маълумки, 1993 йилнинг 7 майида қабул қилинган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш ва сотиш фақатгина ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва валюта айирбошлаш шохобчалари орқали амалга оширилиши кўрсатилган. Аммо баъзилар ушбу қонун талабларини менсимай, аҳоли ўртасида валюта олди-сотдиси билан мунтазам тарзда шуғулланиб келишмоқда.

Ана шундай қонунбузарлардан Баҳодир Шарипов ва Аббос Нишанов давомли равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келишгани департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимларининг тезкор тадбирлари давомида маълум бўлди.

Баҳодир Севара билан танишганига кўп бўлгани йўқ. Ўшанда Баҳодир Севарага: "Агар доллар керак бўлса, арзонроқ нархда топиб бераман", — деганди. Бир неча кун ўтгач эса Севарага 20 минг АҚШ доллари керак бўлди. Баҳодир: "Ўзимда йўғ-у, дўстимдан олиб бераман", — деб, Аббосга қўнғироқ қилди. У ҳам яхшигина мижозни қўлдан бермасликка ҳаракат қилиб, отини қамчилади. Аммо унинг ҳам топгани 16500 доллар бўлди. Аввалига Юнусободда, кейин Яккасарой тумани, Муқимий кўчасида учрашган долларчилар Севарага 16500 АҚШ долларини нақд 34 миллион 980 минг сўмга пуллашди. Аммо уларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Воқеалар ривожидан хабардор бўлган ходимларимиз ноқонуний ишнинг амалга ошишига йўл беришмади. Далилий ашё сифатида олиб қўйилган 16500 АҚШ доллари эса суд ҳукми қонуний кучга киргач, давлат фойдасига ўтказилди. Қонунбузарлар Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилдилар.

Рифкат АХМЕТЗЯНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими бошлиғи

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти ғолиблари ва совриндорлари

(Бошланиши 1-бетда.)

2-ўрин:

“Андижоннома” газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Абдилғани Даминов. Вилоят ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотларни атрофлича ёритгани учун.

3-ўрин:

Наталья Шакирова — “Правда Востока” газетаси мухбири. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислоҳотларга бағишланган материаллари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика):

1-ўрин:

Салим Дониёров — “Народное слово” газетасининг бош муҳаррири ўринбосари. Мамлакатнинг минтақавий ва халқаро ҳамкорлиги масалаларини ёритган материаллари учун.

2- ўрин:

Олим Тўрақулов — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари. Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларнинг боришини ҳамда инвестицион муҳитни кенг ёритгани учун.

3-ўрин:

Анна Гриценко — www.generation.uz сайти муҳаррири. Болалар ижодиёти ва спортини ривожлантириш масалаларига бағишланган материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун:

Анвар Обиджонов — фахрий журналист

Галина Мельникова — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси диктори

Фаол фуқаролик позицияси учун:

Шарофат Йўлдошева — “Ўзбекистон овози” газетаси мухбири

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

Фирюза Кубарева — “Знамя дружбы” газетасининг бош муҳаррири ўринбосари (Навоий вилояти)

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун:

Бурхон Шерматов — “Мулоқот” телевидениеси директори (Қўқон шаҳри)

“Баркамол авлод йили”га бағишланган энг яхши материал учун:

Саида Зокирова — МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар муҳарририяти муҳаррири

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун:

Абдунаби Абдиев — жамоатчи мухбир (Қашқадарё вилояти)

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун:

Алижон Сафаров — “Ватанпарвар” газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи

Энг яхши журналистик текширув учун:

Икром Чориев – МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бўлими бошлиғи

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун:

Фарҳоджон Миршарипов — Ўзбекистон МТРК Фарғона вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари

Энг яхши режиссёрлик иши учун:

Жамшид Худойқулов — МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти режиссёри

Энг яхши матбуот хизмати:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати — раҳбар Комил Алламжонов

Энг яхши фоторепортаж учун:

Ҳасан Пайдоев — “Халқ сўзи” газетаси фотомухбири

Энг яхши карикатура учун:

Хусан Содиқов — “Муштум” журнали рассоми

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун:

Гулу Надир огли Казимов — Озарбойжон Республикаси Ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари:

БМТ

Минг йиллик тараққиёт мақсадлари мавзуини ёритгани учун:

1. **Гулноз Нурбекова** — Қорақалпоғистон радиоканалининг “Хабар” ахборот-таҳлил дастури бош муҳарририяти муҳаррири
2. **Нилуфар Умрзоқова** — МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканалининг катта муҳаррири
3. **Ибодат Соатова** — “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” — “Здравоохранение Узбекистана” газетасининг ижрочи муҳаррири
4. **Саҳобиддин Хўжанов** — МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари

ЮНЕСКО

Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун:

1. **Александра Спиридонова** — “Молодёжь Узбекистана” газетаси мухбири
2. **Адҳам Сулейманов** — «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти фотографи

ЖАҲОН БАНКИ

Қишлоқ хаётининг барча жиҳатларини кенг ёритгани учун:

Аҳмадали Тешабоев — “Фермер ва томорқачи” газетаси бош муҳаррири

СЎЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА

“Олтин қалам” халқаро танлови Бош Миллий мукофоти соҳиби —«Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ — директор Хайрулла НУРИДДИНОВ:

— Бу юксак мукофот учун, қолаверса, мамлакатимиз ёшларига яратилган ва яратилаётган барча имкониятлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. “Ёшлар” телерадиоканалининг камтарона меҳнатини шу қадар юксак баҳолаган “Олтин қалам” Миллий мукофотининг танлов ҳайъатига ва бизни мана шундай марралар сари етаклаган барча устозларимизга бутун жамоамизнинг миннатдорлигини изҳор этамиз. Айнан Баркамол авлод йилида бундай мукофотни қўлга киритиш жамоамиз учун катта бахт. Бундан буён ҳам халқимизга садоқат билан ишлашга, ёшларимизни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун бор кучимизни бағишлашга ваъда берамиз. “Олтин қалам” мукофотига сазовор бўлган барча ҳамкасбларимизга ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Шуҳрат СУЮНОВ – МТРК “Ўзбекистон” телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бош муҳаррири, радио йўналиши бўйича 1-ўрин ғолиби:

— Мен журналистика соҳасидаги шундай нуфузли мукофотга лойиқ топилганимдан ниҳоятда хурсандман. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, жамиятда журналистнинг мавқеини ошириш, уларни муносиб рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Соҳа ходимлари ўртасида ўтказилиб келинаётган “Олтин қалам” ва турли танловлар ана шу эътибор сирасига киради. Ўз ўрнида кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, моддий ва маънавий рағбатлар журналистлар салоҳиятининг янада юксалишига хизмат қилиб, уларни янги марралар сари руҳлантиради, шу билан бирга, доимо ўқиш-изланиш, ён атрофда рўй бераётган воқеликларга муносабат билдириш, ҳамиша шунга шай туришдек ғоятда масъулиятли талабларни ҳам қўяди.

Маълумки, Ўзбекистон телевидение ва радионинг ривожланиши борасида ўзининг бой тажрибасига, шаклланган анъаналарига эга мамлакатлардан ҳисобланади. Йигирманчи юз йилликнинг иккинчи ярмида юртимиз телевидение ва радиосида улкан ижодий мактаблар яратилиб, кўплаб истеъдод эгалари, етук мутахассислар етишиб чиқди.

Миллий телерадиокомпания тизимида кенг кўламда олиб борилган ислоҳотлар, энг аввало, инсон омили, унинг эҳтиёж ва манфаатларини ифодалашга қаратилди. Марказлашган бошқарувнинг тугатилиб, телерадиоканалларга ваколат ва имкониятлар тақдим этилгани раҳбарият билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни яқинлаштирди. Телерадиоканал раҳбарлари ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўлди. Бу эса ўз ўрнида кўрсатув ва эшиттиришларнинг сифати ошишига, телерадиоканаллар ўртасида соғлом рақобат юзага келишига замин яратди.

“Олтин қалам” мукофоти бизни ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ундаши баробарида, унинг кучи тайёрлаётган эшиттиришларимиз, журналистик материалларимизнинг сифати, бадиий савиясини кўтаришда намоён бўлади, деб ўйлайман.

Сайёра АБДУЛЛАЕВА – МТРК “Тошкент” телерадиоканали “Пойтахт” ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири, телеведение йўналиши бўйича 2-ўрин соҳиби:

— “Олтин қалам” мукофотига сазовор бўлиш ҳар бир журналист учун катта шараф. Менинг камтарона хизматларим шундай юксак рағбатга лойиқ топилганидан жуда хурсандман. Муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари, бизнинг соҳага кўрсатган ғамхўрликлари боис сўзимиз ўткир, қадамимиз дадил, қаламимиз олтин бўлди. Мазкур танловда ғолиб бўлишимда жамоамизнинг, хусусан, режиссёр ва муҳаррирларимизнинг хизмати катта. Шу боис уларга раҳмат айтаман.

Мен ижод аҳлини худди боларига менгзайман. Чунки у тинмай тикондан гул истаб асал йиғади. Журналист ҳам эл ичида юриб халққа маънавият, маърифат улашади. Бу соҳа ходимлари ҳамиша давр билан ҳамнафас яшайди. Дунё янгиликлари, тараққиёт ютуқлари ва бошқа ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали жамият қатламларига етказади.

Бугун биз шиддаткор ахборот асрида яшаяпмиз. Одамларда моддият билан бир қаторда маънавий озиқага эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Шу боис бу даврда ахборотнинг ҳаққонийлиги ва тезкорлигини таъминлай олган журналистларгина рақобат майдонида адил тура олади.

Журналистнинг нони қаттиқ. Улар тинимсиз ўқиши, изланиши керак. Чунки миллионлик аудитория қалам аҳлидан андоза олади. Айниқса, телевидение доим халқнинг нигоҳида. Бу ҳар бир журналистга катта масъулият юклайди. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтсам. Агар ўқитувчи адашса ўттизга яқин ўқувчининг фикрини чалғитиши мумкин. Журналист адашса-чи? У миллионлаб одамларнинг онгини бузиши мумкин. Шунинг учун бу соҳада ишлашни истаган киши доимо янгиликлардан хабардор бўлиши, умуман олиб айтганда дунёқараши бой бўлиши лозим. Ўйлайманки, журналистнинг олдидаги энг юксак масъулият халқнинг дилидаги сўзни топиб айтиши, сўзи билан инсонларнинг қалбларига кира олишидир. Ана шу қудратга эга бўлган ижодкор элнинг назарига тушади.

— “Энг яхши матбуот хизмати” рағбатлантирувчи номинацияси совриндори — “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати, раҳбар Комил АЛЛАМЖОНОВ:

— Ҳар бир идоранинг Ахборот хизмати ўша идоранинг юзи, кўзи ҳисобланади. Қўмита ахборот хизмати тарғиботнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳаракат қилади. Ўтган давр мобайнида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар билан бир қаторда, «Ўзбекистон Давлат солиқ тизими ислоҳот ва ривожланиш йўлида», шунингдек, «Солиқ сиёсати ислоҳотлар даврида» номли китоблар тайёрланиб чоп этилди. Бундан ташқари солиқларнинг пайдо бўлиши тарихи, мустақиллик йилларида тизимнинг шаклланиши босқичлари ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар акс эттирилган «Солиқлар тарихи музейи», солиқ тизими ходимларининг маънавий билимларини ошириш мақсадида замон талабларига жавоб берувчи кутубхона барпо этилди.



Шу билан бирга, таълим соҳасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун солиқ саводхонлиги бўйича махсус ўқув дарсликлари ишлаб чиқилиб, ўқув дастурларига алоҳида фан сифатида киритилди. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун рангбаранг суратлардан иборат «Солиқ нима?» номли ҳуқуқий-иқтисодий рисола яратилди.

Ахборот хизмати томонидан тайёрланиб телеканаллар орқали намойиш этиб келинаётган, харид чекини унутмаслик, банк пластик карточкалари ва тўлов терминалларидан фойдаланиш тартиби, солиқ идораларининг ишонч телефонлари, солиқларнинг ўз вақтида тўланишидан кимлар манфаатдорлиги мавзусидаги ижтимоий видеороликлар солиқ тўлаш маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фарҳоджон МИРШАРИПОВ — Фарғона вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари, Сўх телевизион студияси гуруҳ раҳбари, “Олтин қалам” V Миллий мукофоти совриндори:

— Тўғрисини айтсам, бугун катта ҳаяжондаман. Қолаверса, арзимас меҳнатимни қадрланиши кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Бутун жамоамизни хушнуд этди. Янада фаол ишлашга, янгидан-янги марраларни забт этишга илҳом бағишлади. Юртимизда ижодкорларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан барча журналистлар фахрланмоқда. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизга ишонч янада ортмоқда.

Айтиш керакки, Сўх тумани мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни тезкор ва холисона ёритиш биз журналистларнинг бурчимиздир.

Мазкур мукофот жамоамизга бўлган эътиборнинг юксак самараси, деб биламан.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Республика ахбороти таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари, Интернет-журналистика йўналиши бўйича 2-ўрин ғолиби:

— Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ушбу нуфузли мукофот соҳиби бўлганимдан фахрланаман. Ана шундай ҳаяжонли паллаларда журналистнинг заҳмат ва машаққатлари ўзига хос кўтаринкилик, ҳузур ва маънавий қониқиш ҳисси билан алмашади.

Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш жараёнлари журналистлар меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Бу борада журналистларни ижодий рақобатга чорловчи ва пировардида улар меҳнатини муносиб тақдирлашга, соҳа ривожига хизмат қилаётган “Олтин қалам”, “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улуғ, энг азиз” каби танловлар муҳим аҳамият касб этаётир. Айни чоғда халқимизнинг матбуот, радио ва телевидениега бўлган ишончи, соҳа ходимларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қараши, давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлиги биз учун юксак маънавий рағбат бўлмоқда.

Бугунги кунда ахборот тарқатишнинг тезкор усули бўлмиш Интернет журналистикаси ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимиздаги аксарият оммавий ахборот воситалари Интернетда ўз веб-сайтига эга. Интернет-нашрлар сони жадал ўсиб бораётгани, журналистика факультетларида Интернет журналистикаси бўйича махсус фанлар ўқитилаётгани журналистиканинг ушбу янги йўналиши ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон ахборот маконида Ватанимиз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишда Интернет журналистикасининг ўрни бундан кейин янада кенгайиб бораверади. Шу маънода Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бизга билдирилаётган юксак ишончга масъулият, билим ва тажриба, профессионал маҳорат, фаол фуқаролик позицияси, фидойилик, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик туйғуси билан жавоб беришимиз нафақат касбимиз тақозоси, балки юртимиз олдидаги фарзандлик бурчимиз ҳамдир.

Гулу Надир ўғли КАЗИМОВ – Озарбойжон Республикаси Ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири, “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун” рағбатлантирувчи номинацияси совриндори:



— Ўзбекистон чин маънода менинг иккинчи Ватаним! Бу диёрнинг гўзал табиати-ю, очиққўнгил, меҳмондўст халқи юрагимнинг туб-тубидан мустаҳкам жой эгаллаган. Очиғи, ҳар йили меҳнат таътили пайтида Озарбойжонга борсам кўпи билан йигирма кундан кейин яна Ўзбекистонга қайтгим келаверади. Бу ерни жуда соғинаман. Айниқса, фарзандларим учун бу мамлакат асл Ватан бўлиб қолган. Чунки ўн икки йилдан буён касб тақозоси билан Тошкентда яшаётган бўлсак, фарзандларимиз эсларини таниганларидан бошлаб атрофидаги одамларни, дўстларини, синфдошларини ўз юртдошлари, деб билишади. Шу маънода оиламизда “Ўзбекистон — бизнинг Ватанимиз” деган сўзларни юракюрагимиздан айтамиз.

Аслини олганда, бу юртда журналистика соҳасига кўрсатилаётган юксак эътиборга дунёнинг кўплаб давлатлари ҳавас қилса арзийди. Фикримнинг далили сифатида шахсан Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан иқтидорли ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловни мисол қилиб келтириш мумкин. Биргина шу танлов замирида ҳам журналистларга кўрсатилаётган чексиз эътибор яққол намоён. Ана шундай юксак эътибор мен каби чет эллик қаламкаш қалбини ҳам фахр ва ғурурга тўлдиради. “Олтин қалам” танловида ижод маҳсулларимнинг эътибор қозонгани эса мен учун улуғ саодат бўлди.

— “Uzbekistan Today” газетаси таҳририяти — матбуот йўналиши бўйича 1-ўрин ғолиби, бош директор Садриддин СУЯРОВ:



— Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар жараёни бугун халқаро кўламда кенг эътироф этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари олдида ушбу жараёнда фаол иштирок этиш ҳамда унинг моҳиятини жонли ва ҳаётий мисоллар асосида тарғиб қилишдек масъулиятли вазифа турибди.

Бизнинг жамоамиз аъзолари ҳам буни теран англаган ҳолда мана тўрт йилдирки, мамлакатимиз ва жаҳоннинг 45 дан ортиқ давлатидаги газетхонлар эътиборига Ўзбекистон, унда содир бўлаётган оламшумул воқеаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси ҳақида холис материаллар ҳавола этиб келмоқда. Европа, Осиё ва бошқа қитъаларда жойлашган давлатлардаги кўплаб оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақида материаллар тайёрлаганда газетамиз манбаларидан фойдаланаётгани бизни қувонтириб, янада қизиқарли ва сифатли материаллар тайёрлашга ундамоқда.

Иш жараёнида ҳамкасбларимиз билан ижодий мулоқотлар ва мунозаралар чоғида қалам аҳлининг бугунги ўзгаришлар жараёнида қандай ўринни эгаллаши кераклиги, унинг фаолияти қайси йўналишга кўпроқ йўналтирилиши зарурлиги ҳақида қизғин фикр алмашамиз. Ушбу мулоқотларда биз доимо бир фикр тарафдоримиз – журналистнинг фаол фуқаролик позицияси энг аввалги ўринда туриши керак. Бу тамойил жамоамиз фаолиятининг бош қоидасига айланган.

“Олтин қалам” миллий мукофотини камтарин меҳнатимизга берилган юксак баҳо сифатида қабул қиламиз. Ушбу эътироф зиммамизга янада юксак масъулият юклайди, янги ижодий изланишларга ундайди.

Фирюза КУБАРЕВА – “Знамя дружбы” газетасининг бош муҳаррири ўринбосари (Навоий вилояти), “Фаол фуқаролик позицияси учун” номинацияси совриндори:

— Мен йигирма икки йилдан бери журналистика соҳасида қалам тебратиб келаман. Истиқлолга қадар журналист меҳнати бу қадар юқори қадрланмаган. Бундан беш йил аввал журналистика соҳасида “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг таъсис этилиши бизнинг соҳамизда янги даврни бошлади десам, хато қилмаган бўламан.

Мамлакатимизда улкан ўзгаришлар бўлаётган, ахборот оқими кун сайин ортиб бораётган бир шароитда биз журналистлар юртимизда кечаётган ўзгаришларнинг моҳиятини ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка холисона етказишдек муҳим вазифани чуқур ҳис этамиз.

“Олтин қалам” Миллий мукофоти совриндори бўлиш мени бу йўлда масъулиятни янада теран ҳис қилган ҳолда фаол бўлишга, малака оширишда, мамлакатимизда ва жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиб, ижодда янги ёндашувларни излаб топишга даъват этади.

Ҳасан ПАЙДОЕВ – “Халқ сўзи” газетаси фотомухбири, “Энг яхши фоторепортаж учун” номинацияси соҳиби:

— Сурат бу — газетанинг юзи. Сурат нақадар маҳорат билан туширилган бўлса, у нашрнинг кўркига кўрк қўшиб туради. Мен мана шу соҳани танлаганимдан ҳамиша ғурурланиб юраман. Чунки ўзбек фотожурналистикасининг ҳам ўзига хос тарихи борки, бундан ҳар қанча ифтихор этсак арзийди. Бугун гарчи фотомухбирларнинг сони камроқ бўлса-да, соҳанинг етук мутахассислари бор. Уларнинг иш тажрибаси эса мен каби ёш фотомухбирларга ижод мактабидир.

Баркамол авлод йилида “Олтин қалам” Миллий танловида “Энг яхши фоторепортаж” номинацияси бўйича ғолибликка муносиб топилганимдан бошим кўкка етди. Тақдирлаш маросимида юрагимдаги ҳаяжоннинг зўридан саҳнага қандай чиқиб борганимни ҳам билмайман. Шу юрт, шу элнинг фарзанди эканимдан, камтарона меҳнатимнинг юксак эътиборга мушарраф бўлганидан қалбим миннатдорлик туйғусига лиммо-лим. Ушбу юксак мукофотни оқлаш, унга ҳар томонлама муносиб бўлиш учун янада фаол, янада кўпроқ меҳнат қиламан.

Азим РЎЗИЕВ ёзиб олди

ДУНЁДА НИМА ГАП?

КУЧЛИ ЁМҒИРГА ҚАРАМАЙ...

Кучли ёмғир ёғишига қарамай Япониянинг жанубида жойлашган Окинава оролида бўлиб ўтган норозилик намойишида 17 минг нафар аҳоли қатнашди. Улар оролдаги АҚШ ҳарбий базасини ўраб олишди ва ҳукуматдан базани ёпишни талаб қилишди.



Ўтган шанба куни оролнинг Японияга қайтарилганига 38 йил тўлди. Окинава ороли иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ бошқарувида қолган эди. 1972 йили Оқ уй бошқарувни Япония ҳукуматига топширганди.

2006 йилнинг май ойида Токио ва Вашингтон АҚШ ҳарбийларини Окинава оролининг Футэмма шаҳридан Гинован шаҳрига кўчиришга келишишган эди. Аммо Японияннинг янги бош вазири аҳолининг талабини ҳисобга олиб, бу қарорни қайтадан кўриб чиқиш масаласини илгари сурди. Шу боис ҳарбий база Футэммада турибди.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ ҳарбий объектларининг 75 фоизи Окинава оролида жойлашган. АҚШнинг Япониядаги аскар ва офицерлари сони 36 минг нафарни ташкил этади.

КЕМАЛАР ЧЕГАРАНИ БУЗДИ



Куни кеча Корея Халқ Демократик Реслубликасининг иккита кўриқчи катери Жанубий Кореянинг Сариқ денгиздаги ҳудудига кирган. Уларга қарши огоҳлантирувчи ўқ отилгандан сўнг катерлар изига қайтиб кетган.

Воқеа жорий йилнинг 26 мартида Жанубий Кореянинг «Чхонан» кемаси портлаб кетган ва 46 нафар денгизчи чўкиб кетган жойда содир бўлди. Расмий Сеул ушбу фожиали воқеа бўйича текширувни тугатиш арафасида турибди. Дастлабки маълумотларга қараганда, кема портлашига торпедо сабаб бўлган. Сеул ҳозирча бу фожиали воқеада КХДРни айблаётгани йўқ. Бундан ташқари, расмий Пхеньян ҳам бундай тахминни қатъий рад этмоқда.

Шимолий Корея шунча йилдан буён 1950-1953 йиллардаги Корея урушидан сўнг Сариқ денгиз масаласида ўзига нисбатан қўйилган чеклашларни тан олмай келаяпти. Шу боис бу ерда Пхеньян ва Сеулнинг кўриқчи кемалари ўртасида тез-тез келишмовчиликлар чиқиб туради.

БАНКИРНИНГ ТУРМУШ ЎРТОҒИ ЎҒИРЛАНДИ

Германия полицияси Хайденхайм шаҳридаги Омонат банк директорининг хотини Мария Бегерлни ўғирлаган жиноятчини қидирмоқда. Маълумотларга қараганда, жиноятчи банкирнинг уйига кирган ва унинг хотинини мажбурлаб олиб кетган. Аёл билан бирга унинг машинаси ҳам йўқолган. Полиция вакилларининг фикрича, машинани ҳам ўғри олиб кетган.

Жиноятчи 54 ёшли аёлни олиб кетгач, унинг эрига телефон қилган ва гаров пули сўраган. Полицияга мурожаат қилса хотинини ўлдиришини айтган. Шу боис банкир полицияга хабар бермасдан сўралган пулни айтилган жойга олиб борган. Аммо ҳеч ким уни олиб кетгани келмаган.

Полиция вакили жиноятчининг қанча пул сўраётганини айтишни истамади. Энг асосийси, жиноятчи шундан буён бирор марта ҳам алоқага чиқмаган. Аёлни излаб топиш ишларига иккита вертолёт, полициянинг махсус бўлинмаси, ҳаммаси бўлиб 300 нафар киши жалб қилинган.



5 МИЛЛИОН КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Мексикалик наркобарон Хоакин Газман Лоэра «Forbes» журналининг бир йўла учта рўйхатидан жой олди. Журналда ёзилишича, у дунёдаги энг бой миллиардерлардан бири ҳисобланади. Рўйхатнинг иккинчисида у дунёнинг энг қудратли одамларидан бири сифатида тилга олинган. Шу билан бирга, Лоэра дунёдаги энг кўп қидирилаётган жиноятчи ҳам ҳисобланади.

«Forbes»даги маълумотларга қараганда, Лоэра энг хавфли жиноятчилар рўйхатида Усама бин Лодиндан кейин иккинчи ўринда туради. 2001 йилда қамоқхонадан қочган 52 ёшли жиноятчининг бир неча миллиард доллар пули бор. У кейинги 8 йилда АҚШга 6 миллиард долларлик кокаин етказиб берган.



Лоэра 1993 йили қўлга олинган ва қамалган. Орадан саккиз йил ўтгач, у қамоқдан қочиб кетган эди. АҚШ ҳукумати уни тутган одамга 5 миллион доллар мукофот эълон қилган.

БОЛАКАЙ МИЯСИДАГИ ЁҒОЧ ПАРЧАСИ

«The Daily Mail» газетасида босилган хабарда айтилишича, ҳиндистонлик 11 ёшли болакай Рахул Деви икки йил бош миясида етти сантиметрлик таёқ парчаси билан яшаган.

Онасининг гапига қараганда, Рахул ўртоқлари билан ўйнаб юрганда йиқилиб тушган ва ёғоч парчаси миясига кириб кетган. Улар Кашмирдаги маҳаллий докторларга мурожаат қилишган. Аммо улар ёрдам бера олмасликларини айтишган. Шундан сўнг она ўғлини уйга олиб кетган. Бола икки йил шу ҳолатда яшаган. Аммо вақт ўтиши билан оғриқ кучайиб, чидаб бўлмайдиган даражага етган ва боланинг ота-онаси Бутунҳиндистон тиббиёт фанлари институтига мурожаат қилишга мажбур бўлган.



Институт врачлари олти соатлик тиббий амалиётдан сўнг боланинг бош миясидаги ёғоч парчасини олиб ташлашга муваффақ бўлишди. Институт нейрохирургия бўлими бошлиғи Кумат Махапатранинг айтишича, ёғоч боланинг мия қобиғига қаттиқ шикаст етказмаган. Шу боис у икки йил бемалол яшаган.

ДУНЁ БЎЙЛАБ БИР ЎЗИ КЕЗДИ

Австралиялик мактаб ўқувчиси Жессика Уотсон яхтада бир ўзи дунё бўйлаб саёҳатга чиққан эди. Куни кеча «Associated Press» у саёҳатини муваффақиятли тугатгани ҳақда хабар тарқатди.

Унда айтилишича, 16 ёшли қизалоқ ўзгалар ёрдамисиз дунёни айланган энг ёш денгизчи ҳисобланади. Уотсонни Янги Жанубий Уэльс штатида ота-онаси ва кўплаб мухлислари кутиб олди.



Уотсон саёҳати 210 кун давом этди. У шу фурсат ичида 23 минг миль масофани босиб ўтди. Ёш денгизчи ўтган йилнинг 18 октябрь куни Сидней бухтасидан йўлга чиққан эди. Тинч океанининг жанубий қисмини айланиб экваторни кесиб ўтди, сўнг Жанубий Американинг энг жанубий нуқтасигача сузиб борди. Атлантика океани бўйлаб Жанубий Африка қирғоқларига келди ва Ҳинд океани орқали Австралияга қайтди.

Шу пайтга қадар энг ёш саёҳатчи қиз Майк Перэм ҳисобланарди. У 17 ёшида дунёни айланиб чиққанди.

ҚУРОЛ ЗАВОДИДА ПОРТЛАШ

АҚШнинг Нью-Гэмпшир штатидаги Коулбрук шаҳрида жойлашган қурол заводида портлаш содир бўлди. Натижада икки нафар одам ҳаётдан кўз юмди, бир ишчи дом-дараксиз йўқолди.



Фожиа сабаблари ҳозирча номаълум. Портлаш оқибатида завод биносидан ташқари, яқин орада жойлашган черков биноси ҳам жиддий зарар кўрган. Хавфсизлик чоралари сифатида шаҳар марказида яшовчи аҳолининг бир қисми кўчирилган. Гувоҳларнинг таъкидлашларича, тутун бир неча километрдан кўзга ташланган.

ДАРАКЛАР

«ТЕМИР ГУМБАЗ» УЧУН МАБЛАҒ

Пентагон АҚШ президенти Барак Обаманинг Исроил Мудофаа вазирлигига ракетага қарши "Темир гумбаз" (Iron Dome)ни жиҳозлаши учун 205 миллион доллар маблағ беришга рози эканини билдирди. Ажратиладиган маблағни Исроил томони ўнтадан кўпроқ Iron Dome сотиб олишга сарфлайди. Iron Dome — радиолокация тизими, отишни бошқариш маркази, ҳар бири 20 тадан Tamir русумидаги тутувчи ракетага эга бўлган учта отиш ускунасидан иборат.

"Темир гумбаз" тизими Исроил ҳудудига отилган яқин ва ўрта масофага учувчи ракеталарни самарали тутуш хусусиятига эга. Ушбу тизимнинг сўнгги синовлари шу йилнинг январь ойида бўлиб ўтган. Мутахассислар унинг ишини юқори баҳолади.

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Исроил сўнгги йилларда ўзининг ракетага қарши тизимини такомиллаштиришга катта эътибор бермоқда. Бу иш учун кўплаб мамлакатлардан сармоя жалб этаяпти. Шундай саромоялардан бири Сингапур ҳукумати томонидан берилади. Аммо бунинг ҳисобига Сингапур нима олиши хабарда айтилмаган.

УЧУВЧИЛАР ИШ ТАШЛАМОҚЧИ

Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси учувчилари май ойининг иккинчи ярми ва июнь ойларида тўрт марта иш ташлашни режалаштиришмоқда. Улар маошларининг камайишига қарши норозиликларини шундай намойиш этишмоқчи. «BBC News» тарқатган хабарда айтилишича, иш ташлаш ҳаммаси бўлиб 20 кун давом этади.

Авиакомпания касаба уюшмаси раҳбарлари агар уларнинг талаблари қондирилса, иш ташлаш бўлмаслигини билдиришди.

Жорий йилнинг март ойида авиакомпаниянинг борт кузатувчилари иш ташлашган ва бундан «British Airways» 20 миллион фунт стерлинг зарар кўрган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

БРИТАНИЯ МАТБУОТИГА БИР НАЗАР

Бутун бир мамлакатнинг ОАВлари ҳақидаги маълумотларни битта мақолада жамлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун бугунги Британия матбуоти хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Британия матбуотидан андоза олса бўладиган, қолаверса, уларга ўзимизнинг танқидий фикрларимизни билдирадиган жойлари бор.

Англия ОАВлари дунёдаги энг шафқатсиз ОАВларидан ҳисобланади. Омма эътиборидаги таниқли шахслар журналистлар томонидан кечаю-кундуз кузатилади. Шунинг учун ҳукумат раҳбарлари орасида шарманда бўлишдан қўрқиб ўз жонига суиқасд қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Биринчи бор Лондонга қадам қўйганимда, мени Хитров аэропортида дўстим Акмал кутиб олди. Ўшанда унинг қўлида А3 форматдаги "Метро" газетаси бор эди. Саломаликдан сўнг ундан газетани кўриб чиқиш учун сўрадим. У менга газетани узатар экан. "Бепул тарқатилади", — дея кулиб қўйди. Кундалик рангли газетанинг саҳифаларига кўз югуртирар эканман, наҳотки шундай газета бепул тарқатилса, дея ҳайратландим. Кейин билсам бепул тарқатиладиган газеталар сони 20 га яқин экан (Улардан 2 таси рус тилида).

Мавзуларни саҳифаларга жойлаштиришда Англия газеталарининг бизнинг матбуотимиздан кескин фарқи йўқ. Аммо масалага ёндашув, сифат ҳамда таҳлил нуқтаи назаридан катта тафовутлар мавжуд. Европа журналистикасидан хабари борлар яхши билишадики, уларда бирор мавзуни ёритишда аввал янгилик, репортаж, ундан кейин эса таҳлилий мақола жанридан фойдаланилади. Шунинг учун ёритилаётган мавзу юзасидан бериладиган янгиликлар серияси ҳафталарга чўзилиши мумкин. Агар гап халқ яхши кўрган модел, актриса ёки футболчи устида бораётган бўлса, ўқувчи эртанги воқеалар жараёнини яхши кўрган сериалининг давомини кутгандек кутади ҳамда ўзининг ижтимоий фикрини ҳам билдиради. Масалан, яқинда "Челси" футбол жамоасининг чап қанот ярим ҳимоячиси Эйшли Кол ҳамда унинг рафиқаси қўшиқчи, модел Черил Кол ўртасида бўлиб ўтган воқеани олайлик. Эйшли Колнинг ишқий мактублари ҳамда бегона қизларга мобиль телефони орқали тушириб юборган ярим яланғоч расми матбуотга чиқиб кетди. Бу пайтда Черил Кол Голливудда сафарда эди. У турмуш ўртоғининг бу хиёнатини кечирмаслигини, қайтгунича уйни бўшатиб қўйиши лозимлигини айтди. Воқеалар жараёни нақ икки ҳафтага чўзилди.

Ёки бўлмаса, футбол бўйича Англия терма жамоаси собиқ капитани Жон Террини ўз жамоадошининг собиқ қаллиғи билан ишқий муносабатда бўлганини матбуот кескин қоралай бошлади. Бунга жавобан Англия терма жамоаси бош мураббийи Капелло Жон Террини жамоа капитанлигидан четлатди. Воқеалар ривожи шу даражага бориб етдики, бунга УИФА президенти Мишель Платини ҳам ўз муносабатини билдирди. Англия матбуоти янгиликларга асосланган сабабли сўнгги янгилик муносиб баҳоланади. Мисол учун, АҚШдаги Президент сайловининг сўнгги кунида бутун матбуот нигоҳи АҚШга қаратилган эди. Энг сўнгги сайлов участкаси Аляскада жойлашган бўлиб, Лондон вақти билан 9 соат фарқ қилар эди. Шунда кўпгина инглиз газеталари сайлов натижаларини эълон қилишни эртанги сонга қолдиришди. Биргина «The Independent» газетаси сайлов натижасига кўра, Барак Обама ғалаба қозонганини эълон қилишга улгурди.

> *Британия матбуотида ахлоқ масалаларининг ёритилишига ҳавас қилиб бўлмайди. Дейлик, The Sun газетасининг учинчи саҳифасида ярим яланғоч қизлар суратининг доимий бериб борилишини мутлақо қабул қила олмадим.*

Эртаси куни соат 8 лар чамасида киоскаларда The Independent газетаси тугади, соат 10 ларда мазкур газетанинг нархи 80 фунтга, бир ҳафтадан кейин эса 200 фунтга чиқди. Ҳар куни ахлатга ташланадиган минглаб The Independent газетаси Барак Обаманинг ғалабаси туфайли қадр топди. Кейинчалик The Independent газетасини россиялик миллиардер Александр Лебедев сотиб олди, аммо газетанинг мазмун-моҳиятида ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. Ҳаётининг кўп қисмини элчихонада газета ўқиш билан ўтказганини таъкидлаган россиялик миллиардер ўтган йили Evening Standart газетасини сотиб олган эди. Унинг айтишича, эркин матбуот жамият ривожи учун муҳим омил бўлиши билан бирга ўзини ўзи назорат қилиш имконига ҳам эга.

Ҳар бир газета ўз йўналиши, мухлисларининг қизиқишларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Financial Times нашри эътиборини дунёда бўлаётган иқтисодий жараёнлар ва унга таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий воқеаларни кенг ёритиш ҳамда таҳлил қилишга қаратса, The Guardian газетаси дунёдаги

ижтимоий-сиёсий воқеаларга ўз позициясидан туриб баҳо беради, таҳлил қилади. Шу нуқтаи назардан Британия бу нашр билан фахрланса арзийди.

Англия матбуоти қанчалик эркин бўлмасин, унинг бош объекти Британия фуқароларидир. Улар ҳам ўз миллати ва қаҳрамонлари билан фахрланишни яхши кўришади. Баъзида империалистик қарашларни ҳам ҳис қилишингиз мумкин. Ҳатто Британия манфаатларига зид иш қилган давлатларни очиқчасига қоралашдан ҳам тап тортишмайди.

Британия матбуотида ахлоқ масалаларининг ёритилишига ҳавас қилиб бўлмайди. Дейлик, The Sun газетасининг учинчи саҳифасида ярим яланғоч қизлар суратининг доимий бериб борилишини мутлақо қабул қила олмадим. Ёки вояга етмаганларни жинсий зўрлаш масаласи матбуотда кўтариладиган бўлса, аниқ фактлар билан ёзишнинг ўзи катта ахлоқсизлик деб биламан. Энг ачинарлиси, британияликлар жинсий мавзуларни ёритишда Шарқ халқларига ҳам шундай ёндашади. Бу эса катта ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки Шарқда орият масаласи ҳар доим нозик саналади.

Британия матбуотининг узоқ йиллик ривожланиши натижаси ўлароқ, у ерда чоп этилаётган нашрларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Юқори сифатли ҳамда таҳлилий нашрлар: Daily Telegraph (адади-817 000), Financial Times (адади-401000), The Guardian (адади-350 000), The Independent (адади-200 000), Times (адади- 586 000).

2. Ўрта бозор учун мўлжалланган нашрлар: Daily Express (адади- 774 000), Daily Mail (адади- 2 203 000).

3. Оммавий бозор учун мўлжалланган нашрлар: The Sun (адади-3 029 000), Daily Mirror (адади-1 541 000), Daily Star (адади-750 000).

Юқорида номлари келтирилган нашрлар нафақат Британияда, балки бутун дунёда севиб ўқиладиган нашрлардир. Бундан ташқари, 1994 йилда юқори сифатли ҳамда таҳлилий нашрларнинг умумий адади 2 560 000 дан ортиқ, ўрта бозорга мўлжалланган нашрларнинг умумий адади 3 709 000, оммавий бозор учун мўлжалланган нашрларнинг умумий адади 7 316 000 дан кўпроқни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб юқори сифатли ҳамда таҳлилий нашрларнинг умумий адади 2500 000 дан ортиқ, ўрта бозорга мўлжалланганларнинг адади 3 037 000, оммавий бозордаги нашрларнинг умумий адади 5 660 000 дан ортиқ бўлган. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, 10 йил ичида Британия газеталарининг умумий адади анча камайган. Мутахассислар бу йўқотишни интернетнинг кенг оммалашаётгани билан баҳоламоқдалар.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

16 МАЙ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЗАРМИТАН ЗАРЛАРИ ВА ЗАРГАРЛАРИ

Зармитан. Бу сўзни эшитишимиз билан кўз олдимизда шу ном билан аталувчи олтин кони ва зарчиларнинг мўъжаз шаҳарчаси намоён бўлади. Ушбу кон мамлакатимиздаги бошқа конларга нисбатан маъданларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Зармитан олтин кони қазилма бойликлар айни кунларда ҳам очиқ, ҳам ер ости усулида қазиб олинмоқда. Бугунги кунда корхонада икки минг нафарга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатмоқда. Яқин вақт ичида, аниқроғи, шу йил охиригача Зармитаннинг ўзида олтин бойитиш фабрикаси ишга тушади. Қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётган иншоот ишга тушгач, яна икки мингга яқин киши муқим иш жойига эга бўлади. Зармитан олтин кони касаба уюшмаси раиси Қувондиқ Худойқуловнинг таъкидлашича, ишчи-хизматчиларнинг дам олиши, соғлигини тиклаши доимо раҳбарият назоратида. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кон ишчиларидан юз нафарга яқини республикамиз миқёсидаги турли дам олиш ва даволаниш муассасаларида ҳордиқ чиқариб қайтишди.

Нафақадаги соҳа ходимлари ҳам ҳар байрамда маъмуриятнинг эътиборидан баҳраманд. Республикамизнинг барча ҳудудларидан келиб ишлайдиган турли миллат вакилларидан иборат ишчи-хизматчиларнинг саксон фоизини ёшлар ташкил қилиши қувонарли ҳолдир.

Зармитанда жуда кўплаб ўз касбининг фидойилари, жонкуярлари топилади. Ана шундай кишилардан бири деб ҳеч иккиланмай кон бош муҳандисининг ўринбосари Ўроз Маҳмудовни айтиш мумкин. Ҳозирда коннинг аксарият ишчилари Ўроз акани ўзларига устоз деб билишади, унинг ўгитларига амал қилишади.

— Ўз ишига сидқидилдан ёндашадиган устозим Ўроз акадан жуда кўп нарса ўрганганман, — дейди кон ишчиларидан бири Амир Сафаров.

Ҳа, бу ердаги барчанинг иши бирдек шарафли, бирдек таҳсинга лойиқ.

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,
“Hurriyat” мухбири

Суратларда: *(чапдан) кон бош муҳандиси ўринбосари Ўроз Маҳмудов ва кон касаба уюшмаси раиси Қувондиқ Худойқулов; Зармитан шаҳарчасининг бугунги кўриниши.*

Суратлар муаллифи Шавкат АКРОМОВ

МУНОСАБАТ

СЎЗДАН ШОДА ТУЗУВЧИЛАР

«Hurriyat» почтасига келган мактубларни ўқиб...

Аҳли доништар ҳеч бир истеъдод дунёга тайёр ҳолда келмайди, бирданига шаклланмайди, ҳеч қачон уни тайёр сўз кутиб турмайди, ҳар бир истеъдод меҳнат, изланиш билан камолотга етади, дейишади. Дарҳақиқат, фақат меҳнатгина ижодкорни юксалтиради, шоиру шеър қадрини англатади.

Ватанимизнинг турли гўшаларида яшаб ижод қилаётган кўплаб ёш қаламкашларнинг таҳририятимизга йўллаган ижодий намуналарини аваламбор бир шеърхон сифатида ўқиб чиқдим. Англадимки, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос олами, бошқаларникига ўхшамаган услуби бор.

Минг йил бўлди, минг йилдан буён,
Осмоним тополмай юрган қуёшман.
Кузакми, кўкламми, оташ, қаҳратон,
Билмадим? Қай томон отилган тошман?!

Паркентлик истеъдодли шоира Наима Абдураҳмонованинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Унинг ёниқ мисраларида болаликнинг оппоқ дунёси, ғам-ғуссадан ҳоли табиатнинг сахий ва тоза бағрига ташналик бор. Бу ҳислар дилга олов солади.

Тугамайди тугаган эмас,
Бу дунёнинг ташвиши, Она.
Бу қисматнинг эгаси менмас,
Бу Худойимнинг иши — Она!

Ижод, аслида — қалб ҳунари. Буни англаган шоиранинг кечинмалари дилдан ғамларни фориғ этади.

Ижод аҳлининг қалби доим энг эзгу, самимий, нафис туйғуларга эш бўлади. Сурхондарёлик ёш шоир Хайрулла Холтўраевнинг ижодий намуналари ҳам алоҳида эътирофга сазовор.

Хайрулло шеърларида таъкидлаганидек, туш ўтмишнинг соясими ёки руҳият манзараларими? Нима бўлганда ҳам у инсонни ўзини англашга ундайди.

Ҳар не қарғимдан тўкилар шу дам,
Теграмда тентираб кезмоқда дунё.
Ватандай ягона муаллақ саждам,
Қалбимга нур индир, нур индир Худо...

Бу банддаги бир парча умид қалбга эзгу тилакларни олиб киради.

Тошкентлик шоира Камола Рихсиеванинг шеърлари ҳам Ватанга муҳаббат, она меҳри, ёшлик шижоати билан йўғрилган. Унинг самимий дил изҳорини ўқиганингизда болаликка ошно бўласиз. Болаликнинг эса ўз кўчалари, гўзал хотиралари бор.

Болалигим кечди беғубор,
Шаънига ҳеч юқтирмадим гард.
Энг самимий ҳисларим билан
Тушунмовдим нелигини дард!

Камоланинг шеърларидаги бундай кечинма ва мажозий тимсоллар уйғунлиги ақлу шуурингизни бойитади.

Бетакрор ташбеҳларга бой бу каби мисраларни қашқадарёлик иқтидор эгаси Элёр Муроднинг битикларида ҳам учратиш мумкин. Унинг қораламалари туйғуларнинг самимийлиги, инсон қалбига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Муҳими, унда дард бор, кўнгил бор. У сўзнинг масъулиятини ҳис этиб, ҳар бир сатрга мазмун юклашга ҳаракат қилади.

Мени ёшлик, умр, йиллар унутди,
Кўкларга кўтарган тиллар унутди,
Бир онда ёндиму кулга айландим,
Тоғда бирга ўсган гуллар унутди.

Ўзига хос овозига эга Хуршид Нуруллаевнинг шеърлари ҳам қалб қўридан тўкилади:

Елларни маст қилар сочларинг атри,
Овозинг – булбулни ром этган оҳанг.
Исмингдир энг гўзал муҳаббат сатри,
Нигоҳинг – камалак ҳавас қилган ранг...

Бундай ёш, умидли иқтидорлар сафига Ўзбекистон жаҳон тиллари университети талабалари Зилола Худойбердиева, Дилрабо Сайдуллаева, Тошкент давлат педагогика университети талабаси Ойбек Имомов, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиддинов номли академик лицей ўқувчиси Бобур Убайдуллаевни ҳам қўшиш мумкин. Айниқса, Бахтиёр Нуралиевнинг болалар руҳиятига мос машқлари шеърхонлар эътиборидан четда қолмайди.

Энг қувонарлиси шундаки, бу истеъдодли ёшлар айрим «шоир»ларнинг олди-қочди китобларини ўқиб эмас, ҳақиқий сўз жозибасини ҳис этгач, қўлига қалам тутганини ижод намуналарига кўз югуртиргач, ҳис этасиз.

Устозлардан бири шоирлик — қисмат, фидойилик ва сабру чидам, деганди. Ҳақиқатдан ҳам ижод машаққатларини ақл-идрок билан енгиб, уйғоқ сўз айтиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шунданми, баъзан бу майдонга ҳавасга алданиб кириб қолганлар: “Бундан кўра, бошқа касбни танлаганимда, эл-юртга кўпроқ нафим тегармиди”, — дея нолиб қолишади. Ана шундай манзаралар ичида улкан орзу-умидлар билан қалам тебратаётган уйғоқ қалб эгаларининг шеърларини ўқиб, кўнглимиз яйради. Ёш ижодкорларнинг сатрларидаги айрим сакталиклар қалам чархлангач, ўз-ўзидан барҳам топишига ишонамиз.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири

Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга

(Бошланиши 1-бетда.)

Тадбирларнинг биринчи кунида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар ва дипломатик миссиялар билан ЎзЭОАВМАнинг 2010 йилдаги ҳамкорлик режаси тақдимоти бўлиб ўтди. Халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар ва дипломатик миссияларнинг ҳамкорлик маблағларини ассоциациянинг ижтимоий лойиҳаларига жалб этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда меморандумлар имзоланди.

Ассоциация қошидаги ЎзНТТга аъзо ҳудудий телестанциялар раҳбарларининг икки кунлик семинарида Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг 2010 йилга мўлжалланган Ривожланиш дастури лойиҳалари ижроси юзасидан йил чораги бўйича таҳлил натижалари муҳокама қилинди. Муҳокамалар жараёнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ҳудудий телерадиостанциялар томонидан вилоятларда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг ижобий самараси ва юртдошларимизнинг турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган давлат дастурлари ижросини ёритишга йўналтирилган материаллар юзасидан атрофлича фикр юритилди. Ривожланиш дастури доирасида тайёрлаб, эфирга узатилган теле ва радиомаҳсулотларнинг салмоғи 1840 та кўрсатув, 9703 та лавҳа, 194 та телеролик, 14571 та хабарни ташкил этгани нодавлат телестанциялар фаол фуқаролик позициясининг янада ошганидан далолат беради. Бу кўрсаткичлар ўтган йиллардагидан 30-40 фоиз кўпдир.

Муҳокамалар келгуси ижодий режаларни тузиш учун замин яратди. Телетармоқ дастурларини бойитиш мақсадида телестанциялар ўзларининг ранг-баранг дастурларини етказиб беришга келишиб олинди.

Ахборот маркази ижодкорлари учун ташкил этилган семинарда журналистларнинг йил чораги бўйича фаолияти таҳлилига танқидий жиҳатдан ёндашилди. Икки кунлик семинар-тренинг давомида ҳар бир ҳудуддаги ижодий гуруҳ фаолиятига алоҳида тўхталиниб, йўл қўйилаётган камчилик ва эришилаётган ютуқлар атрофлича муҳокама қилинди.

Семинарда йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилиб, иккинчи чорак олдида турган вазифалар амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси ҳамда лавҳалар сифатини янада ошириш учун журналистиканинг ноанъанавий услубларидан қандай фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Тадбирлар доирасида Ижтимоий лойиҳада иштирок этувчи ижодий гуруҳлар учун ҳам семинар ўтказилди. Семинар давомида ўтган тўрт ойда жамиятимизнинг ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида тайёрланган ижтимоий кўрсатув ва роликлар сон ва сифат жиҳатдан талаб даражасида эмаслиги

таъкидланиб, галдаги муҳим вазифалар, ижтимоий ролик ва кўрсатувларнинг сони ва сифатини янги босқичга кўтариш борасида фикр алмашилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари эфирида жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалишига ҳисса қўшувчи, шунингдек халқимизнинг миллий маданий бойлигини тарғиб қилувчи сифатли маҳсулотлар билан бойитиш мақсадида 2261 та кўрсатув ва 215 та ижтимоий ролик тайёрланган.

Айтиш керакки, бу каби кўрсатув ва роликлар кўлами ва сифатини келгусида янги босқичга кўтариш ҳар жиҳатдан етишиб келаётган ёш журналист кадрларнинг интеллектуал қобилиятига ҳам боғлиқ. Ассоциация ташаббуси билан Ёшлар студияси лойиҳаси қарийб уч йилдан буён “Фонд форум”, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда самарали амалга ошириб келинмоқда. Ёшлар студиялари координаторлари учун ташкил этилган семинар-тренингда эса “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни ёшларбоп қилиб етказишда эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар муҳокама этилди. Семинарда айтилганидек, январь-апрель ойлари давомида Ёшлар студиялари томонидан ёшлар ҳаётини акс эттирган, турли саналарга бағишланган жами 92 та кўрсатув эфирга узатилган.

Жорий йилнинг апрель ойида республикамиз вилоятлари бўйлаб ўтказилган “Биз бир жамоамиз” акцияси доирасида ЎзЭОАВМА ҳамда ҳудудий телестанциялар ҳамкорлигида “Баркамол авлод йили: эътиборда ёш журналистлар” медиа форуми ҳам ўтказилиб, бу тадбирлар жойлардаги ёшлар студиялари томонидан тезкор ва кенг ёритилди. Тадбирларда ёшларга йўналтирилган медиа-лойиҳалар фаолиятини мувофиқлаштириш, ёшлар ҳаётини атрофлича ёритиш, ёш журналист кадрларни тарбиялашда кўмаклашиш мақсадида медиа-кенгашлар тузилган эди.

14 май куни Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоятлар бўлимлари раислари, ҳудудий телестанция раҳбарлари, ёшлар студияси ва “Келажак-пресс” лойиҳалари иштирокчилари қатнашди. Унда медиа-кенгашларнинг фаолият механизми юзасидан фикр алмашилди. Июнь ойининг иккинчи ўн кунлигида бўлиб ўтадиган медиа-форум чоғида медиа-кенгашлар фаолияти сарҳисоб қилиниши айтиб ўтилди.



Беш йилдан буён 3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда Ассоциация таркибидаги ташкилотлар 5 та мукофотга сазовор бўлишди. Жумладан, телевидение йўналиши бўйича “Самарқанд-СТВ” телевизион ижодий уюшмаси директори ўринбосари Муҳаммаджон Бекмуҳаммедов одам савдосига қарши кураш ҳамда ноқонуний меҳнат миграциясининг олдини олиш масалаларига бағишланган туркум муаллифлик кўрсатувлари бўйича 1-ўринни, “Жиззах” телестанцияси бош муҳаррири “ЎзНТТ “Ҳудуд” ахборот-таҳлилий дастури махсус мухбири Бекпўлат Тоғаев қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги мавзусидаги репортажи учун 3-ўринни эгаллади. Танловнинг радио йўналиши бўйича “Рухсор” телерадиокомпанияси муҳаррири Шуҳрат Зокиров “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг бажарилишига бағишланган эшиттиришлари учун 2-ўринни қўлга киритган бўлса, матбуот йўналиши бўйича “Uzbekistan Today” газетаси мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларни кенг ёритган материаллари учун 1-ўринга сазовор бўлди. Қўқоннинг “Мулоқот” телестанцияси директори Бурхон Шерматов “Ижтимоий-иқтисодий мавзулардаги таҳлилий кўрсатувлари учун” номинацияси бўйича рағбатлантирувчи мукофот соҳибига айланди.

Тадбирларнинг якуни сифатида 15 май куни “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаол фуқаролик позициясининг аҳамияти. Белгиланган вазифаларнинг оралиқ сарҳисоби” мавзуидаги медиа-форум ўтказилди. Унда Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг 2010 йилга мўлжалланган Ривожланиш дастури лойиҳалари асосида январь-апрель ойларида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни тинглаш билан биргаликда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида нодавлат телерадиостанцияларда ОАВ фаолиятига оид амалдаги қонунчиликка риоя этиш, эфир дастурлари мазмундорлиги ва сифатини оширишда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди.

Медиа-форумда семинар-тренинг ва йиғилишлар натижалари бўйича якуний хулосалар чиқарилди.

Қобулжон АҲМЕДОВ,
ЎзНТТ бош муҳаррири

МУТОЛАА

Қадри янада баланд «Қадрим»

Таниқли адиб Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссаси чоп этилганига қирқ беш йилдан ошди. Шунча вақт ўтгач, бу асар алоҳида китоб ҳолида («Олов», «Илинж», «Жон ширин» ҳикоялари, Ойбек ва Зулфия ҳақидаги эсдаликлар, «Эллик беш йиллик умрнинг беш лавҳаси» мақоласи билан бойитилиб) қайта нашр этилди. Албатта, яхши китобнинг қайта нашр этилиши табиий ҳол.

Лекин мустабид замонда ёзилган "Қадрим"нинг мустақиллик даврида яна бир бор чоп этилиши алоҳида қайд этишга лойиқ ҳодиса. Буни адибнинг ўзи асар муқаддимасида шундай изоҳлаган: "Қадрим" қиссасининг ёзилишига ўша даврда мен оғриниб ҳис қилган ҳаётий муаммолар ва миллий ғурур туйғулари сабаб бўлган эди. У вақтларда шўро тузуми тарихимизни, тилимиз, динимизни камситишдан ташқари, етакчи саноат корхоналарида замонавий техникаларни эгаллаб, ишлашга интилган миллий кадрларни, айниқса, қишлоқ ёшларини менсимас эди. "Ўзбеклар фақат далада кетмон чопишни яхши билади, катта саноат корхоналарида мураккаб техникалар билан ишлашни эплай олмайди", деган ақида кучли эди. Бу ақидани ва бошқа тўсиқларни енгиб ўтиб, катта саноат корхоналарида илғорлар сафида ишлаб юрган, юрагида ўти бор ўзбекларимизни кўрсак кўнглимиз кўтариларди".

Пиримқул Қодиров мустабид тузумнинг таъқиб, тазйиқ тегирмони бетўхтов айланиб турган йилларида қадрият, маънавиятнинг оғриқли муаммоларини журъат, жасорат билан қаламга олгани, бадиий-публицистик руҳда маҳорат билан акс эттиргани таҳсинга арзигуликдир. Адибнинг мақола, очерк, ҳикояларидан тортиб, қисса, романларигача таърифга лойиқ. "Маънавият чашмалари", "Уч илдиз", "Қадрим", "Мерос", "Қора кўзлар", "Олмос камар", "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Маънавий масъулият" каби асарлар шулар жумласидандир. Эътибор беринг, сарлавҳаларнинг ўзиёқ халқнинг, адибнинг дили тўридаги, тили учидаги орзулари, асар ғояси, мазмун-мундарижасига ишора қилиб туради.

Истиқлол йилларида битилган китоблари — "Қалб кўзлари", "Она лочин нидоси", "Тил ва эл", "Амир Темур сиймоси", "Қадрим"ни, мақола, суҳбат, эсселарида-ку муқаддас анъаналаримизни яйраб, ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошиб ёзди, ёзаётир.

"Қадрим"нинг янги нашрини тушунишда муаллиф муқаддимасидан юқорида келтирилган парча ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади. Худди шу рамзий калит асар ёзилишидан (1961) анча илгари, уруш қийинчиликларини бошидан кечирган, суяги меҳнатда қотган, ўқиган, уққан, ноҳақлик, адолатсизликларни, қадриятлар қадрсизланганини, тарихий илдизлар қирқилганини, миллий ғурур топталганини кўриб эзилган ориятли, нафсониятли йигит — бўлғуси адиб руҳиятида вужудга келган илк

ҳикоя, мақолалар, "Уч илдиз" романи моҳиятини очишда ҳам хизмат қилган, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, яхши асар йиллар, даврлар оша қайта ўқилганда янги маънолар касб этади, ўзгача таъсир қилади, деган гапда жон бор. Ярим асрча вақт ўтиб, "Қадрим" қиссаси ҳам қайта мутолаа қилинганда асарнинг янги жилолари, ибратли жиҳатлари, муаллиф маҳоратининг янги қирралари кўзга ташланади. Биринчидан, илк саҳифалариданоқ катта тайёргарлик кўриб ёзилгани сезилади. Қолаверса, "Қадрим" асосан хонадан чиқилмай, тўқимадан унумли фойдаланиб ёзилган айрим асарлар сирасидан эмаслиги ҳам диққатга сазовор. Яъни бу қисса бадиий-ҳужжатли асар сифатида ҳам қадрлидир.

Асарда асосий макон сифатида танланган Муборак тумани ҳозирда аҳолиси кўп, йилдан-йилга ҳар томонлама ривожланаётган йирик саноат шаҳридир. Ярим аср муқаддам эса бу ерда, муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, "разъезд" деган кичик бир манзил бўлган, холос. Газ қидирувчилар темир вагончаларда яшашган. Гарчи қиссада Муборак деган ном айтилмаган бўлса-да, воқеалар шу ерда кечгани дарҳол англанилади. Адиб материал йиғиш учун газ қидирувчилар ҳузурига бир неча бор боради, мутахассис қидирувчиларнинг бошлиғи ўттиз беш ёшли Ғуломов билан яқиндан танишади (қиссада унинг номи ҳам, насаби ҳам худди шундай тасвирланган. Чиндан ҳам, қаҳрамонларнинг номи, касб-корини ўз ҳолича ёхуд сал ўзгартириб гавдалантириш адиб услубига хос хусусиятлардандир). Газ қидирувчилар ҳаёти, фаолияти билан яқиндан танишгани, айниқса, мураккаб техникаларнинг номи, ишлаш принципларини яхши ўргангани адибнинг жиддий ютуғидир.

"Ротор деган оғир бир нарса қудуқ оғзини бекитиб тураркан. Ражаб ака юргизаётган лебёдка зўр пармани ер тагига тушириб чиқараркан. Лебёдка қаттиқроқ ишлаганда унинг ғалтагига ўралаётган йўғон трос тутаб кетгандай кўринарди. Нарёқда қатор турган бешта дизель баравар гурилларди. Бу ердаги асбобускуналар пуд ёки центнер билан эмас, ўн тонна, юз тонна билан ўлчанар экан. Қувурлар илиниб турадиган биргина илгак уч тонна. Лебёдка йигирма тонна. Вишка қарийб юз тонна. Бутун қурилма беш юз тоннага яқин. Оғир темирларнинг кўпи ҳаракатда бўлгани учун одамлар ишлаётган жой ларзага келиб турарди" ("Қадрим", 33-бет).

Ушбу баҳайбат техника олдида одам чумолидек кичик, ожиз туюлиши мумкин. Лекин ана шу улкан техника, ваҳимали механизмларни инсон бошқаради, измига солади. Шундай қаҳрамонлардан бири — Искандар. Ошпазлик қилиш учун, ундан ҳам муҳимроғи эса, суюклиси Зулайҳони кўриб туриш учун газ қидирувчилар ҳузурига келган соддадил, меҳнатсевар йигитни яйдоқ чўл, турфа номаълум техник асбоб-ускуналар, ҳунари, феъл-атвори турфа одамлар ҳайратга солади. Меҳнатга чанқоқ, ғурури баланд Искандар касб-корини ўзгартириб (унга Зулайҳонинг "Сиз аввал ўзингизга муносиб бўлинг! Шундай фидокор одам, шундай меҳнаткаш, камтар... қўлларингизга қаранг. Чучвара тугадиган қўлларми бу?" деган гапи қаттиқ таъсир қилади), газчилар сафига қўшилади. Кўп ўтмай илғор ишчига айланади. Ёнғин вақтида жасорат кўрсатади.

Қиссани ўқир экансиз, ўзингизни пармаловчилар ишига кўмак бераётгандек, баланд вишканинг тепасига чиққандек, кучли ёнғин пайтида ўт ўчирувчилар билан оловга сув оқимини йўналтираётгандек ҳис этасиз. Энг муҳими, ёзувчи Искандар ва Зулайҳонинг меҳнат, муҳаббат, қийинчиликлар, курашлар, тўқнашувлар жараёнида тобланганини қадам-бақадам тасвирлаб беради. Эл-юртни зангори олов билан таъминлашдек шарафли ишга дахлдорлик, масъуллик ҳисси, ўз қадри, севгиси билан фахрланиш туйғуси севимли қаҳрамонларимизни улғайтириб, чиниқтириб боради.

"Бугунги кун ёшлари билан Искандар ва Зулайҳоларнинг орасида фарқ борми?" — деган савол туғилиши табиий. Бор, албатта. Искандар ва Зулайҳо давридаги ёшлар бугунги авлод сингари ҳурлик эпкинлари эсиб турган даврда яшашмади, улар ўз тилларида эркин гапира олмас эдилар, фидойиликлари тўла рағбатлантирилмас эди.

"Қадрим" асари қаҳрамонлари эса бир-бирини қадрлай олгани, ҳар қандай шароитда ҳам юртнинг фаровонлиги, халқ камоли учун камарбаста бўлолгани, ҳалол меҳнати, ғайрат ва шижоати туфайли китобхонларга ибрат кўрсата олиши билан янада қадрлидир. Асар Истиқлолнинг, бугунги куннинг қадрига етишга, яратилаётган шарт-шароитлар ва имтиёзлардан тўғри, оқилона фойдаланишга, Ватанимизнинг ҳар бир қаричини юракюракдан севишга ўргатади.

Сайди УМИРОВ,
адабиётшунос олим,
Ойниса БОБОНОВА,
илмий тадқиқотчи

Шерменди қачон туғилган?

Азиз НЕСИН

— У буюк аллома.

— Қандайдир янгилик яратганми?

— Шуям савол бўлди-ю? Ундан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Оддий халқ майлику-я, ҳатто зиёлиларнинг ҳам фанга қизиқиши йўғ-а. Ахир, бу олим катта кашфиётга қўл урди. Адабиётшунослик тарихида шу кунгача номаълум бўлиб келган воқеага аниқлик киритган.

— Хўш, шу кунгача бизга номаълум бўлиб келган воқеа нима экан?

— Ўн бешинчи асрда Шерменди деган шоир яшаган...

— Эшитмабмиз.

— У шеърлари тўпламини жуда катта ҳажмда нашр эттирган. Кўпгина тазкираларда номи алоҳида қайд этилган.

— Нима қипти?

— Ҳамма гап шунда-да. Барча адабиётшунослик тарихи китобларида шоир Шерменди тўртинчи майда туғилган деб ёзилган. Ҳурматли устозимиз эса унинг тўртинчи майда туғилмаганини исбот этди.

— Хўш, у буни қандай уддалади?

— Буни исботлаш учун олти юз саҳифалик асар ёзди.

— Хўш, китобида шу воқеага аниқлик киритдими?

— Йўқ. Бундай мураккаб саволга жавоб бериш учун бир томлик асар камлик қилишини билмайсизми? Биринчи асар муаммога кириш вазифасини ўтайди, холос.

— Яъни?

— Устоз ўзининг биринчи томида шоир Шермендининг тўртинчи майда туғилмаганини тадқиқ қилган.

— Иннанкейин-чи?

— Кейинги асарларида — иккинчи ёки учинчи, балки тўртинчи томида тўртинчи май санаси нотўғри кўрсатилганини исботлайди. Сўнгра бешинчи ёки олтинчи китобидагина шоир Шермендининг аниқ туғилган санаси ҳақида тўлиқ маълумот беради.

— Аниқроғи, бунинг учун неча том асар ёзиши зарур бўлади?

— Ҳали номаълум. Ҳозирча у биринчи китобни ёзишгагина улгурди. Бунинг устига шу асарнинг ўзига ўн беш йилдан ортиқ вақтини сарфлади.

— Нималар деяпсиз? Ўн беш йил-а?!

— Албатта. Кўриниб турибди: ҳақиқий фан нима эканини тасаввур ҳам қилолмаяпсиз.

— Кейинги томларини қачон ёзиб тугатмоқчи ўзи?

— Яратган эгам умр берган бўлса, мабодо аллома ўлиб-нетиб қолмаса, ўн беш-йигирма йилдан сўнг иккинчи томни тугатади. Устоз ҳозир 64 ёшда.

— Агар у, худо кўрсатмасин..

— У ҳолда забардаст олимларимиз унинг илмий ишини тўхтаб қолган жойидан давом эттиришади.

— Мени жудаям қизиқтириб қўйдингиз. Яна бир нарсани сўрасам бўладими? Сиз шоир Шермендини тўртинчи майда туғилмаган, дедингиз. Унда у қайси санада туғилган?

— Ҳамма гап шунда-да. Энг муҳими — адабиётимиз тарихига аниқлик киритишда. Ана шунинг ўзи баҳс-мунозарага нуқта қўяди. Демак, шоир Шерменди тўртинчи майда эмас, балки учинчидан тўртинчига ўтар кечаси туғилган. Ва бу воқеа соат ўн иккига қадар содир бўлган — туғилган санани учинчи май деб белгилаш лозим. Ҳолбуки, адабиёт тарихчилари айнан шу ерда хатога йўл қўйишган.

— Бор-йўғи шуми?

— Нима, шунинг ўзи етарли тадқиқот эмасми? Сизнингча, қадимда ўтган машҳур шоирнинг туғилган кунини аниқлаш — буюк заковатдан далолат бермайдими? Ё фикримга қўшилмаяпсизми?

— Олим деган шу нарсани бир неча сатрда ифодалаши мумкин-ку? Наҳотки, олти юз саҳифани тўлдириш шарт бўлса?

— Кечириб қўясиз! Буни икки сўзда ифода этса, сиз-у, мендан ёки бошқа зиёлилардан нимаси билан фарқланарди? Донишмандлиги қаёқда қолади? Олим шундай одамки, у ҳаммага маълум нарсани шундай шарҳлаши керакки, ҳеч ким ҳеч вақони тушунмаслиги лозим. Бешта ифоданинг ўзи эллик саҳифага чўзилиши керак. Ана шундагина ҳақиқий олимнинг маҳорати кўринади.

— Сиз айтганчалик ҳам бўлсин, дейлик. Унда нимага асосланиб, шоир Шермендининг туғилган кунини тўртинчи эмас, учинчи майда деб ҳисоблаяпсиз? Китобни тўлиқ ўқиб чиқдингизми ўзи?

— Бемаъни савол. Ким китобни ўқиб олмнинг нима демоқчилигини билиб олади. Илмфан шунчалик чуқурки...

— Яхши. Лекин буни қандай билдингиз?

— Китобдан эмас, албатта. Бунга унинг ўзи: «Китоб шунинг учун ёзиладики, ўқувчилар уни ўқиганда, тушуниши шарт эмас», — деб айтган гаплари мисол бўла олади.

— Ундай бўлса, бу каби



«асар»ни нашр эттиришнинг ҳожати бормикан?

— Кундай равшан — фан ҳақида сизнинг заррача ҳам тасаввурингиз йўқ. Дейлик, қандайдир китоб қисқа фурсатда сотиб олинади. Дарҳол ўқилгач, мазмуни тушунарли бўлади ва шу заҳотиёқ асар ўз қийматини йўқотади. Шу боис, олимлар ёзган нарсаларининг доимо ўқилиб туришини исташади, гарчи у жавонда узоқ вақт бемалол чанг босиб ётса-да. Тушунинг, кам ўқиладиган ёки умуман ўқилмайдиган китоб қанчалик тушунарсиз бўлса, у муаллифнинг қадрини шунчалик оширади.

ҲАЖВИЯ

— Қойил, тан оламан!

— Бунинг ҳайратланарли жойи борми? Ўйлашингизча, ҳеч ким тушунмайдиган қилиб китоб ёзиш осондек туюлади, шекилли? Қаранг, турли қарашлар билан бошимизни қотириб ўтирибмиз, лекин бир неча соатдан сўнг бир-биримизни тушунсак-тушунармиз. Ақалли ҳаракат қилиб кўринг-а, ҳеч бўлмаса, беш дақиқа бировга тушунарсиз гапиришни уддалай оласизми? Осонми шу иш?

— Қийин.

— Қийин бўлса майли эди, бунинг ҳечам иложи йўқ. Ўйлаб кўринг: беш дақиқа суҳбатлашиш оғир экан беш юз саҳифали китоб ёзишнинг ўзи бўладими? Бу шунчаки уйдирмачилик эмас. Албатта, бир неча соат ёки кун бўйи тиришқоқлик кўрсатиб, бир-бири билан боғланмаган нималарнидир ёзиб ташлаш мумкин. Аммо ҳар ким ҳам олим бўлавермайди. Йўқса, шунчаки хабар ёзувчи билан олим ўртасидаги фарқни қандай ажратасиз? Беш юз саҳифали илмий иш ёзишга уриниб кўринг, лекин уни ҳеч ким тушунмасин. Қадрдон укам, ундан бироргаям грамматик ёки синтактик хато топилмасин ва бу тадқиқот қандайдир олди-қочди шов-шув эмас, ҳатто мантиқсиз чиқсин. Оддий хабар ёзувчи бундай ишларга қодир эмас, бироқ шунинг ўзи етарли далил.

— Қизиқаяпман: муҳтарам устоз қандай қилиб шоир Шермендининг тўртинчи майда эмас, учинчидан тўртинчига ўтар кечаси туғилганини исбот қилди?

— У бу борада ҳеч нарсани исбот қилмаган. Гап шундаки, шоир Шерменди девонга киритилган шеърларидан бирида шундай дейди: «Мен дунёга келибоқ, кечаги ва эртанги кунни шарафлайман». Аниқ-равшан қилиб айтган, шундаймасми? Умуман, одам қачон кечаги ва эртанги кунни мубораквод этади? Ярим кечаси, тўғрими? Агар у: «шарафлайман» дедими, демак, шунга тайёргарлик кўрган. Демак, у туғилганда ярим кеча бўлмаган... Соат ўн иккига беш, балки икки дақиқа етмай қолган. Шермендининг тўртинчи майда эмас, учинчида туғилганига мана шу етарли асос...

— Яхши, қадрдон дўстим. Тушунолмаганим шуки, буларнинг барчаси шунчалик ҳам муҳимми ўзи?

— Сизнингча, бу ҳеч кимга керак эмасми? Айтайлик, бир олим шу ҳақда уч томли асар ёзди-да, журъат билан Шерменди учинчи май, кечаси соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда туғилган, деб кўрсатади. Бошқаси эса: «Шерменди бу вақтда эмас, балки 11 дан 35 дақиқа ўтганда туғилган», — деган фикрни илгари суради. Буни исботлаш учун беш томли китобни нақд қилиб қўяди. Шундай қилиб, шоирнинг таваллуд санасига аниқлик киритилади.

— Кечирасиз, мен яна тушунолмаяпман. Айтайлик, Шерменди учинчида соат 11 дан 30 дақиқа ўтганда эмас, тўртинчи майнинг 11 дан 35 дақиқасида туғилган, деса, нима ўзгаради? Бундан мақсад нима ўзи?

— Ў-ў, қадрдоним менинг! Наҳотки тушунмаётган бўлсангиз? Шундай баҳс-мунозара бўлмаса, адабиёт тарихи ҳам бўлмайди-ку. Битта олим: «учинчи май» дèса, иккинчиси «тўртинчи» санани кўрсатади ва пировардида тортишувларнинг кўпайишига замин яратилади, ахир. Кимки шу ҳақда кўпроқ тушунарсиз нарса ёзса, бошқалар олдида ўзининг ҳақиқий олим эканини исботлаган бўлади.

— Тушунмаяпман бундан амалда нима фойда?

— Кечириб қўясиз. Шу иш билан шуғулланган одамларнинг аксарияти ассистент, профессор бўлишди. Бу йўл жуда осон ва енгил. Уларга кеча-ю, кундуз меҳнат қилганликлари шуҳрат келтиради. Шунингдек, уларнинг хотиржам яшашлари, ҳурмат қозонишлари ва авлодлар ёдида қолишларига имконият яратилади. Шундай олимлар бўлмаганида, масалан Шермендининг қачон ва қайси санада туғилганини билмас эдик. Бинобарин, шунга ўхшаш бир қанча асл ҳақиқатнинг тагига ҳам етолмасдик. Шундай бўлгач, қадриятларимиз йўқолган бир даврда яшаган бўлардик. Одамзот фақат шунақанги ҳаракатлар билангина олдинга силжиши мумкин. Айтайлик, бирорта олим қандайдир янгилик ҳақида хабар беради. Бошқаси эса: «Йўқ, бундаймас, мана бундай» — дейди. Баҳс қизийди. Яна бирови аралашиб: «Икковингиз ҳам ноҳақсиз», — деган фикрни баён қилади. Моҳият — мана шунда. Бизнинг олам шу равишда қадамба-қадам олға қараб интилаверади.

— Жуда ҳам тўғри. Агар олимлар бўлмаганида, ҳеч қандай асл ҳақиқатни билмас эканмиз ва инсон ақли заифлашиб қоларкан. Вой, Тангрим-ей, Тангрим-ей. Биз қандай қилиб, шу кунгача ҳақиқатни билмай, ер юзида гуноҳга ботиб яшаб келаётган эканмиз-а? Олимлар бўлмаса, ҳеч нарсага ақлимиз етмас экан. Ҳаттоки, шоир Шермендининг туғилган кунини ҳам билмасдик. Уни тўртинчи майда таваллуд топган деб юрардик. Йўқ, бу дунёда шу аҳволда яшаш мумкин эмас. Билмадим, агар олимлар бўлмаса, биз нима ҳам қилардик?

Муродулла ҒАФУРОВ
таржимаси

ФАХР

Касб инсон учун турмушини фаровон этувчи ҳаётий зарурат бўлиши билан бирга унинг умрини безаб, эл орасида обрўсини оширишга хизмат қилувчи восита ҳамдир. Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз касбини ҳаётининг мазмуни деб биладилар. Ана шундай ватандошларимиздан бири Хайрулла Саъдуллаевдир.

Фидойи муаллим



Халқ таълими тизимида узоқ йиллар давомида самарали фаолият кўрсатгани ва ушбу тизим равнақига қўшган ҳиссаси учун "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" нишонига сазовор бўлган бу инсон умрининг катта қисмини ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган. Ҳозир ҳам яхши-ёмон кунларини шогирдлари, ўқувчилари даврасида ўтказади. Ёшларга таълим бериш, уларга ўз иши, касб-ҳунар ўргатиш Хайрулла акага қувонч бағишлайди. Кўнглини фахр-ифтихорга тўлдиради.

Моҳир педагог Хайрулла Саъдуллаев айни пайтда Тошкент вилояти педагогика коллежида фаолият юритмоқда. Домла 1967 йилда ушбу масканнинг тамал тоши қўйилишида катта ҳисса қўшган.

Хайрулла акадек инсонларнинг кўплиги халқимизнинг катта ютуғидир, десак, муболаға бўлмас. У кишининг шогирдлари ҳозир турли соҳаларда юртимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Устозининг таҳсилидан баҳраманд бўлган ёш мутахассислардан бири Гулноза Фозилова домла ҳақида шундай дейди: "Ўзбек адабиётининг асосчиси ва мутафаккир шоир Навоий ҳазратлари шундай деган эканлар: "Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, айламак осон эмас ҳаққин онинг минг ганж ила". Албатта, устозимиз бизга билим бериш баробарида яхши инсон бўлишни ҳам ўргатадилар. Бугун домланинг машаққатли меҳнатлари эвазига шогирдлари жамиятда ўз мавқеларига эга".

Яна бир гап: умрини маърифат улашишга бағишлаган, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган Хайрулла ака 1964 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини битиргач, меҳнат фаолиятини педагогика коллежида ўқитувчиликдан бошлаб, унинг директори лавозимигача бўлган шарафли ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда ўз тажрибаларини ёш педагогларга ўргатмоқдалар. Бу инсон айни кунларда 70-баҳорни қарши олмоқдалар. Умид қиламизки, Хайрулла ака яна кўп йиллар фарзандларимизнинг юқори интеллектли, баркамол йигит-қизлар бўлиб улғайишларида бош-қош бўладилар.

Матёқуб НАРЗИЕВ

МАДАНИЯТ

18 МАЙ — ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

Музейлар — мозийнинг кўзгуси

Ҳар бир халқнинг тарихга айланган кечмиши — маданий ва маърифий ёдгорликлари музейлардан жой олган экспонатлар орқали мозий ва унинг сир-синоатларидан ҳикоя қилади. Ҳатто кичик бир экспонатдан ҳам тарих китобларига кирмаган маълумотларни уқиш мумкин. Демакки, киши маънавиятини юксалтиришда музейларнинг ўрни улкандир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда 1200 дан ортиқ музей мавжуд. Шу билан бирга машҳур ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва санъат арбобларининг уй-музейлари ҳам юртдошларимизнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиб келмоқда. Давлатимизда музейларни такомиллаштиришга, ҳар доим устувор вазифа сифатида қаралган. Бугун юртимизнинг қайси музейига ташриф буюрманг, у ердан олам-олам тасаввурлар билан чиқишингизга шубҳа йўқ.

Пойтахтимизда ҳам кўплаб музейлар мавжуд. Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Геология музейи, Қатағон қурбонларини ёд этиш музейи шулар жумласидан. Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти қошида ташкил этилган Астрономия музейи ҳам ўзида бир қанча ноёб тарихий қимматга эга бўлган экспонатларни жамлагани билан аҳамиятга молик.

Маълумки, ота-боболаримиз азал-азалдан осмон жисмларининг ҳаракати бевосита ва билвосита ердаги ҳаётга таъсир этишини жуда яхши англаганлар. Подшоҳ саройларида мунажжимларнинг бўлиши, фарзандга исм қўйилишидан тортиб, то уруш кунини белгилашгача бўлган барча амалларнинг уларнинг маслаҳати ва кўрсатмаси билан амалга оширилгани бу соҳанинг нечоғли долзарблик касб этганини билдиради. Шу сабабли ҳам милоддан аввалги замонлардаёқ, алломалар осмон жисмларини кузатиш учун турли асбоблар ясашга, расадхоналар қуришга ҳаракат қилишган. Милоддан аввалги IV аср ёдгорлиги бўлмиш Хоразмдаги Қўйқирилган қалъасидан топилган қадимий расадхона қолдиқлари ҳам сўзимизнинг исботи бўла олади. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Ҳайём, Абу Маҳмуд Ҳамид Хўжандий, Насириддин Тусий, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший кейинги асрларда осмон жисмларини ўрганиш илмини юксак босқичларга олиб чиқдилар. Темурийлар, хусусан, Соҳибқироннинг суюкли набираси Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек даврида, хусусан, ул зотнинг раҳнамолигида 1417-1420 йилларда Самарқандда ўз даврининг энг мукаммал расадхонаси барпо этилганидан кейин соҳа тараққиёти янги уфқларга кўтарилди.

Шундай қилиб, 1018 та юлдуз ўрнини ўз ичига олувчи астрономия жадвали — "Зижи жадиди Кўрагоний"ни тузган Мирзо Улуғбекнинг жаҳон астрономияси ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Бу жадвалдан кейинги юз йиллар мобайнида нафақат Шарқ, балки Ғарб мамлакатларининг олимлари ҳам дастуриламал сифатида фойдаландилар. Маълумотларга кўра, унинг юзга яқин форсча, ўн бешдан ортиқ арабча нусхаси мавжуд. Европалик машҳур астрономлар уни лотин, француз, инглиз тилларига таржима қилганлар, шарҳлар битганлар.

Албатта, соҳа ривожи кейинги йилларда анча тараққий топди. Бунда ЎзФА Астрономия институтининг ҳам ўрни бор. Институт нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё ҳудудида энг кўҳна илмий муассаса ҳисобланади. У 1873 йилда Тошкент астрономик обсерторияси сифатида ташкил этилган бўлиб, 1966 йилда Астрономия институтига айлантирилган. Унинг қошида 1933 йилда ташкил этилган Қуёш хизмати ҳали-ҳануз жаҳон илмий маълумотлар банкини Қуёш фаоллиги маълумотлари билан бойитиб келмоқда. Астрономия фани ривожига қўшилган улкан ҳиссалардан яна бири кўп йиллик экспедицион қидирувлар натижасида топилган Майданак тоғи (Қашқадарё вилоятида) бўлиб, у жаҳондаги энг яхши бешта обсерватория қаторидан жой олган. Институтнинг юлдузлар пайдо бўлиш соҳасидаги ёш юлдузларни тадқиқ этиш, Қуёш ички тузилишини ўрганиш соҳаси — гелиосейсмология, ночизиқли ва нобарқарор галактикаларни моделлаштириш ва бошқа мактаблари жаҳонга машҳур.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан Мирзо Улуғбек илмий меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Аллома яшаган давр, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги китоблар, илмий мақолалар, бадиий асарлар яратилмоқда. Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи", "Илми нужум" асарлари нашр этилди. Тарихчи олим А.Аҳмедовнинг "Ўрта асрларнинг буюк алломаси", "Улуғбек Мухаммад Тарағай", "Мирзо Улуғбек ва унинг "Тарихи арба улус" асари ҳақида" китоблари чоп қилинди.

Юртимизда улуғ мутафаккир хотирасига эҳтиром сифатида 1994 йилнинг "Мирзо Улуғбек йили" деб эълон қилингани, аллома таваллудининг 600 йиллиги, 2009 йилда эса 615 йиллиги халқаро миқёсда, жумладан ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида кенг нишонлангани аждодларимиз хотирасига кўрсатилаётган буюк эҳтиром намунасидир.

ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ташкил этилган Астрономия музейнинг очилиши мамлакатимизда коинот тадқиқотлари соҳасини ривожлантириш ва Мирзо Улуғбек меросини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишларни катта бир ўзанга буриб юборди. Музейда астрономия фанининг ривожланиш босқичларини ҳамда Мовароуннаҳр ва Европа олимларининг илмий тадқиқотларини ўзида намоён этган бой экспозициялар, жумладан, турли асбоб-ускуналар, телескоплар, ҳужжатлар ва буюмлар жамланган.

— Музей институтда қачонлардир фойдаланилган 150 дан ортиқ тарихий қиймати бебаҳо асбоб-ускуналар асосида ташкил этилди, — дейди ЎзФА Улуғбек номидаги Астрономия институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Собит Илёсов. — Бу асбоблар ҳозирги замон астрономик кузатишларида қўлланилмайди. Лекин улар фан тарихи ва унинг ривожланиши босқичлари ҳақида катта таассурот уйғотишига шубҳа йўқ.

Масалан, турли соатлар музейнинг фахри ҳисобланади. Бу соатларнинг тўғри юриши ва уларнинг кўрсатиши тузатмалари пишиқ-пухта астрономик кузатувлар асосида аниқланган. Музей жойлашган бинонинг ташқи фасадига ўрнатилган Қуёш соатидан то Вақт бўлимида сақланаётган кварц соатларини кўриб, вақтни ўлчаш тарихи билан танишиш мумкин.

География координатларни аниқлашда қўлланилган геодезия асбоблари ҳам музей коллекциясида алоҳида ўрин эгаллайди. Улар орасида Тошкент обсерторияси буюртмасига асосан машҳур "Репсольд" фирмаси томонидан тайёрланган кичик ва катта вертикал айланалар бор. Бундан ташқари, оғирлик кучи тезланишини аниқловчи тўрт маятникли асбоб ҳам мавжуд бўлиб, у ўз вақтида фойдали қазилмаларни қидириб топишда муҳим роль ўйнаган. Демакки, ўтмишда обсерваториялар бошқа фанларнинг ривожи учун катта хизмат қилган десак, янглишмаймиз.

Музейдан XVIII асрнинг донғи кетган англиялик усталар Жеймс Шорт ва Доллонд томонидан ясалган телескоп-релекторлар, Гадлейнинг денгизда географик координаталарни аниқлаш учун ишлатилган октанти ва Гаррисоннинг денгиз хронометри жой олган.

Музейда ўрта аср мусулмон ренессанси даврига алоҳида ўрин ажратилган. Жумладан, ўша даврга тегишли, ҳозирда Лондон музейида сақланаётган Улуғбек осмон глобусининг нусхаси, Улуғбек расадхонасининг асосий ускунаси — деворий квадрантнинг макети, Мирзо Улуғбекнинг бюсти, XIX асрда Муҳаммад Шариф Бухорий томонидан тайёрланган осмон глобуси бор.

Музейнинг бир бўлими Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк ватандошларимиз фаолиятининг Европа нашрларида акс эттирилишига бағишланган. Майданак обсерваториясида олинган ноёб астрофизик объектларнинг расмларидан тузилган фото-экспозиция институтнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади.

Музей деворидаги Ян Гевелийнинг "Астрономия даракчиси" китобидан олинган гравюра ҳам диққатни тортади. Унда астрономия илоҳаси Урания ўртада ўтирибди. Унинг ўнг томонидан Мирзо Улуғбек, Вилгельм IV (немис олими), Ян Гевелий, чап томонидан эса Птоломей, Тихо Браге (даниялик астроном), Ричче Оле (италиялик олим) ўрин олган. Бу ҳам бобокалонимиз заковати ўз даврида бутун дунё олимлари томонидан эътироф этилганини англатади. Мирзо Улуғбек расадхонасида фойдаланилган ва 80 дан ортиқ амалларни бажаришда ишлатилгани учун ўрта аср компьютери деб аталган устурлоб ва яна бир қанча соҳага оид асбоб-ускуналарнинг, шунингдек, осмон жисмларининг ҳамда уларни тадқиқ этган алломаларнинг суратлари ҳам музейга кўрк бағишлаб турибди.

"Мозий истиқболнинг тарозусидир, ҳар ким ўлчасунда билсун!", деб ёзган эди бундан бир аср муқаддам йирик маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий. Мозий ҳақида тўлақонли ҳикоя қилувчи маскан эса шубҳасиз музейлардир. У ерга бориш, тарих китобларида битилган мавзуларни, ундаги экспонатларни кўриш инсон тафаккурини ўстиради, ахлоқий тарбиясини юксалтиради. Зеро, ўз тарихини, кимлигини теран англаган фарзандгина яхши инсон бўлиб воя га етади, юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Иномжон АБДИЕВ

СПОРТ

ГАЗЕТАЛАР СОВРИНИ УЧУН

Кўп йиллардан буён баҳор фаслида "Бухоронома" ва "Бухарский вестник" газеталари совриниучун анъанавий тарзда югуриш эстафетаси ўтказилиб келинади. "Баркамол авлод йили" ҳудудий дастури доирасида яқинда бўлиб ўтган бу галги тадбир мазкур нашрларнинг 90 йиллигигига бағишланди.

Эстафетада 54 та жамоадан 750 дан зиёд ёшлар қатнашди. Бухоро шаҳар кўчалари бўйлаб 6 километр масофада ўтган баҳсларда Бухоро олимпия заҳиралари спорт коллежи жамоаси масофани 15 дақиқа-ю 40 сонияда босиб ўтиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари гуруҳида ғолиб бўлди. Мусобақанинг умумтаълим мактаблари жамоалари гуруҳида эса Бухоро шаҳар ўқувчилар жамоаси 17 дақиқа-ю 23 сония натижа билан биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақа ғолиблари ва етакчилари вилоят бош нашрларининг соврин ҳамда дипломлари билан тақдирланди.

"ЧЕЛСИ" — АНГЛИЯ КУБОГИ СОҲИБИ

Лондоннинг «Челси» клуби ўз тарихида олтинчи марта Англия кубогини қўлга киритди. Жорий йилги зафар мазкур жамоанинг кетма-кет иккинчи муаффақиятидир. Бу ҳақда BBC News хабар тарқатди.

Шанба куни ўтказилган финал учрашувида "Челси" жамоаси "Портсмут"ни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Баҳсдаги ягона голга ўйиннинг эллик тўққизинчи дақиқасида Дидье Дрогба муаллифлик қилди. Ҳисоб бундан-да йирикроқ бўлиши мумкин эди. Аммо учрашувнинг охирги дақиқаларида рақиб дарвозасига белгиланган пенальтини «Челси» клуби вакили Фрэнк Лэмпард аниқ амалга оширолмади.

ТЕННИСДА ЯНГИ РЕКОРД



Испаниянинг Мадрид шаҳрида АТР доирасида ўтказилган теннис турнирининг финалида Рожер Федererга қарши кортга чиққан Рафаэл Надал икки сет натижасига кўра рақибини 6:2, 7:6 ҳисобида мағлуб этди.

Шу тариқа йигирма уч ёшли испаниялик ракетка устаси «Мастерс» серияси турнирларидаги ғалабалари сонини яна биттага ошириб рекорд ўрнатди. Ҳозир спортчининг ҳисобида мазкур нуфузли турнирларда қўлга киритилган 18 та ғалаба бор.

РОССИЯДА ЯНГИ МУРАББИЙ

Россия футбол иттифоқи раҳбари Сергей Фурсенконинг берган баёнотига кўра, Дик Адвокат терма жамоанинг мураббийи бўлишга розилик берган. Ўртадаги келишувда қайд этилишича, жамоанинг янги устози жорий йилнинг 15 июлидан ишга киришади.

— Дик Адвокат билан тузилган шартнома Гус Хиддинк терма жамоадан кетганидан кейин кучга киради, — дейди Сергей Фурсенко. — Барчамиз яхши биламизки, Дик Адвокат жуда ажойиб инсон бўлиши билан бирга меҳнаткаш ҳам. Қолаверса, у Россия футболини ипидан-игнасигача билади. Яна шуни айтиб ўтишим керак, ушбу мутахассисга Россия терма жамоасини 2014 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига ва Евро-2012 турнири финал баҳсларига олиб чиқиш вазифаси юклатилган.

МЭННИ ПАКЬЯО — КОНГРЕССМЕН

Жаҳоннинг энг яхши боксчиларидан бири, WBO йўналишида ўрта оғир вазнлилар тоифасида жаҳон чемпиони Мэнни Пакьяо Филиппин конгресси учун ўтказилган сайловда ғалаба қозонди.

Сайловда Мэнни Пакьяо энг яқин таъқибчиси Роя Чонгбианадан икки баробар кўп овоз тўплашга эришган.

Жавлон ЭЛМУРОДОВ тайёрлади

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ТОШКАМАЛАК

АҚШнинг Юта штатида дунёдаги ажойиб мўъжизалардан бири — пушти рангли қумтошдан бунёд бўлган арка жойлашган. Унга кўзи тушган одамнинг хаёлидан беихтиёр қоялардан иборат текислик устида эгилган камалак бу ерлардан кетгиси келмагани учун тошга айланиб қолган бўлса керак, деган ўй ўтади. Арканинг Бриж-Крик дарёсидаги акси ҳам инсон ақлини шоширади.

Юта штатининг жанубида яшаган ҳиндуларнинг пайют ва навахо қабилалари "тошдан бино бўлган камалак" ҳақида кўплаб афсоналар тўқишган. Аммо кўпчилик тошкамалак қаерда жойлашганини билмасди. Афсоналарни эшитиб, бу ажойиботдан ҳайратланган уч саргузашт ишқибози 1909 йили Навахо тоғи томон йўл олишган. Улар Шимолий Американинг ўтиш қийин бўлган ҳудудларини ортда қолдириб, тошдан бино бўлган камалакни кўришга муяссар бўлишибди. Табиатнинг бу мўъжизасига қараб туриб, ҳайратдан донг қотишади. Кўприк нафақат кўринишидан, балки ранг жиҳатдан ҳам камалакни эслатарди. Пушти рангли қумтош кундузи тўқ бинафша рангда, қуёш ботаётган вақтда эса жигар ранг тусга киради.

Қумтошнинг қалинлиги 13 метр бўлиб, у ўрнашган кўприкнинг узунлиги 94 метрни, эни 10 метрни, бўйи 88 метрни ташкил этади. У кенглиги 85 метр бўлган каньоннинг қияликларини бирлаштириб туради.

Навахо қабиласидаги ҳиндулар бу жойни муқаддас санайдилар. Археологик топилмалар бир пайтлар бу ерга кўплаб зиёратчилар оқиб келганидан далолат беради.

1910 йилда арка миллат бойлиги деб эълон қилинди. 1963 йилда Глен-Каньон тўғони қурилгандан сўнг Пауэлл кўли пайдо бўлди. Бунинг оқибатида Колорадо дарёсида сув сатҳи кўтарилди. Эндиликда бу табиат мўъжизасини кўришни истаган сайёҳларга юриш қийин бўлган 20 километрлик сўқмоқлардан эмас, балки сув йўли орқали осонгина келиб-кетиш имконияти туғилди.

ПИННАКЛИ

Инсоннинг табиат ғаройиботларига тан беришдан бошқа иложи йўқ. Бунга мисол қилиб Пиннакли чўлини келтириш мумкин. У ўзининг антиқа манзаралари билан сайёҳлар диққатини тортади. Ўзга сайёра манзарасини эслатадиган Австралия қитъасидаги бу саҳро катта-катта оҳактошли устунлар билан қопланган.



Пиннакли саҳроси қачонлардир мавж урган денгиз ўрнида жонзотларнинг чиғаноқларидан бунёд бўлган. Топилган ашёвий далилларнинг таҳлилига кўра, 6000 йил аввал бу жойларда одамлар яшагани маълум бўлди.

1960 йилга қадар Пиннакли чўли жамоатчилик назаридан ниҳон эди. Бугунги кунга келиб ҳар йили кўплаб сайёҳлар қоялардан иборат бу чўлни кўришга ошиқадилар. Оёқ остидаги сариқ қумдан кўкка қараб бўй чўзган улкан оҳактошдан бунёд бўлган устунлар киши ҳайратини оширади. Уларнинг кўриниши ва ҳажми ҳар хил бўлиб, айримларининг баландлиги 3,5 метрга етади. Лекин ҳамма сайёҳларга ҳам бу устунларни кўриш насиб этавермайди. Чунки сирли Пиннакли вақти-вақти билан ўзининг "тикон"ларини қум остига яшириб туради.

ШАРШАРАЛАР ЎЛКАСИ

Қиркдан ортиқ шаршаралардан иборат Йеллоустоун миллий паркини шаршаралар макони деб аташ мумкин. Улар ажойиб бир манзарани — тўкилаётган сувни ҳосил қилади. Сув оқимининг кўпайиши баҳорнинг охири ва ёзнинг бошига — тоғ чўққиларидаги қорларнинг эриши кўпайган вақтга тўғри келади.

Йеллоустоуннинг Юқори ва Қуйи шаршаралари бошқаларига нисбатан анча чиройли ҳисобланади. Сайёҳлар бундай гўзал манзарани кузатиш майдончаларидан томоша қилишади. Бу шаршаралар Шимолий Американинг Йеллоустоун тоғидаги кўлдан оқиб тушадиган Йеллоустоун дарёсида жойлашган. Дарёнинг ўрта ва қуйи қисмлари сокин оқса-да, юқори қисми чуқур каньон ва шаршаралар ҳосил қилиб оқади.

Йеллоустоуннинг Қуйи шаршараси миллий парк ҳудудидаги энг ҳайратланарлисидир. Унинг баландлиги 94 метрни ташкил этади. У Ниагара шаршарасидан икки баробар баланд. Лекин сув ҳажми жиҳатидан уни Ниагара шаршараси билан солиштириб бўлмайди. Чунки Ниагара шаршарасининг эни 800 метрни ташкил этса, Йеллоустоун Қуйи шаршарасининг эни атиги 22 метрдир. Шаршарадан оқиб тушган сув Йеллоустоун Катта каньонидан (чуқурлиги 304 метр) ўтади. Шубҳасиз бу шаршара атрофи ҳам сайёҳлар билан доимо гавжум.

1960 йилдан бошлаб бу ерга ҳар йили икки миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюради. Бугунга келиб мазкур гўзал шаршарани томоша қилиш учун кўплаб кузатиш майдончалари барпо этилган. Ёз ойларида сайёҳлар оқими кўпаяди. Шунинг учун меҳмонхона ва кемпинглар олдиндан банд қилиб қўйилади. Июль ойидан то октябргача миллий паркка Бозмен ва Солт-Лейк-Сити шаҳарчаларидан автобуслар қатнайди. Бироқ қишда йўллар ёпиқ бўлгани сабабли миллий паркка бориш анча мушкул.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz
Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 15240 Буюртма — Г-426 1 2 3 5